Bank news

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

БАНК ХОДИМЛАРИ, ИШБИЛАРМОНЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ГАЗЕТАСИ

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда № 3 (506) 2006 йил 18 январ

"ОМОНАТ ВА САРМОЯ" ЛОЙИҲАСИ

Аҳолининг бўш пул маблағларини банкка жалб қилиш учун банклар томонидан жорий этилаётган омонатлардан бугунги кунда ҳар икки томон (банк ҳам, мижоз ҳам) манфаатдор. Шу боис банклар ўз омонатчилари сонини кўпайтириш учун депозитлар фоизини имкон қадар ошириб боришга ҳаракат қилмоқда.

Ҳар ой Марказий банк томонидан тақдим этилиб, газетамизда "Омонат ва Сармоя" деб номланган махсус саҳифа орқали бериб бориладиган маълумотлар тўплами бугун ҳам эътиборингизга ҳавола қилинмоқда. Қуйида сиз одатга кўра, уларнинг энг юқори фоизли тури билан танишасиз. Демак, ўтган ойдаги 37(%)-поғонадан бир йўла 42(%)-поғонага кўтариламиз. "Маиший хизмат тўловига" деб номланган мазкур омонатни "Ўзсаноатқурилишбанк" жорий қилган бўлиб, ундан мижоз 2 йил давомида фойдаланиши мумкин. Бундан ташқари, даромад қилишга (ҳар икки томон учун) 36%лик омонатлар ҳам қўл келмоқда. Улар ТИФ Миллий банкида "Шодиёна", "Ўзтадбиркорбанк"да "Барака", "Имконият", "Савдогарбанк"да "Коммуналчи", "Келажак", "Алоқабанк"да "Янги йил совғаси" ҳамда "Туркистон банк"да "Капитал-плюс" деб номланиб, банкка қўйиладиган бадал тўлови ва муддати билан бир-биридан фарқланади.

Шунингдек, тижорат банклари жисмоний шахсларнинг чет эл валютасидаги депозитлари бўйича таклиф қилаётган фоиз ставкалари ҳам саҳифадан жой олган. Жадвалга мувофиқ, йиллик фоизи бўйича энг юқори ҳисобланган "Престиж" (11%ли, 1 йил муддатга) "Равнақбанк" маҳсулоти бўлиб, қолган "Муддатли" ("Ипак йўли" банк), "Гарант" ("Равнақбанк") ҳамда "Муддатли" ("Туронбанк") каби депозитлар 10 фоизли ставкалар билан тақдим этилган.

Назира МАВЛОНОВА.

МАМЛАКАТНИНГ ЭНГ ЯХШИ КОМАНДАЛАРИ

Пойтахтнинг Халқаро бизнес-марказида "Western Union Financial Services GmbH" компаниясининг "Мамлакатнинг энг яхши командалари" дастури бўйича 2005 йил якунларига кўра тижорат банклари орасида ўтказилган танлов ғолибларини мукофотлаш маросими бўлиб ўтди. Ҳозирги кунда республиканинг 18 банки "Western Union" билан ҳаморлик қилмоқда. Шулардан иккита банк – "Пахта Банк" ва "Универсалбанк" тизимга 2005 йилда қўшилган. Компаниянинг маркетинг хизмати берган маълумотларга қараганда, 40 та энг фаол пункт барча операцияларнинг 50 фоизидан кўпроғини амалга ошириб келмоқда.



"Мамлакатнинг энг яхши командалари" дастури республикамизда икки йилдан бери амал қилиб келинмоқда. Унинг мақсади пул жўнатиш пунктларида хизматлар сифатини оширишдан иборат. Дастур қатнашчиларининг фаолияти бутун календар йил мобайнида баҳолаб борилади. Бу даврда семинар ва тренинглар бўлиб ўтади, мижозларнинг таклифлари ўрганилади, 40 пунктдан ҳар бирининг фаолияти қуйидаги учта асосий мезон бўйича таҳлил қилинади ва баҳоланади:

1) амалга оширилган пул жўнатиш операцияларининг сони;

2) пул жўнатмалари сонининг ва хизмат кўрсатиш тармоғининг ўсиш суръатлари;

3) хизмат кўрсатишнинг сифат даражаси.

Навбатдаги номинацияларда қуйидаги банклар 2005 йил якунлари бўйича энг яхши деб топилди:

- юқорида келтирилган учта мезоннинг ҳаммаси бўйича олинган баллар умумий сонидан ташкил топадиган "абсолют яхши натижа" номинациясида "Капиталбанк" АТБнинг "Қўқон" мини-банки;

- "пул жўнатмаларининг энг кўп сони" номинациясида – ЎзР ТИФ МБ Самарқанд бўлими;

- амалда бажарилган операцияларнинг ўтган йилга нисбатан "ўсиш суръатлари бўйича" номинациясида – "Асака" ДАТБ Самарқанд филиали;

- "хизмат кўрсатиш сифати бўйича энг яхши" номинациясида "Туронбанк" АТБнинг "Чилонзор" Чакана хизматлар маркази ғолиб бўлди. Ушбу номинацияда сифатни аудит қилиш асосида якун чиқарилади. Аудитни мустақил компания бир йилда икки марта хизмат кўрсатиш тезлиги, мижозлар учун қулайлик даражаси, хизмат кўрсатиш пунктини кўримли қилиб безатиш каби мезонларни ҳисобга олган ҳолда ўтказади.

(Давоми 5-бетда).

БУ сонда:

2 *Ислоҳотлар йўлида: Ўзбекистонда ХИФлар*

3-4 *Меъёрий ҳужжатлар*

6-7 *Омонат ва сармоя*

Чет эл валюталарининг сўмга нисбатан курси

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 17 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	895,79
1 Англия фунт стерлинги	2105,87
1 Дания кронаси	193,21
1 БАА дирҳами	322,66
1 АҚШ доллари	1185,07
1 Миср фунти	207,00
1 Исландия кронаси	19,46
1 Канада доллари	1022,05
1 Хитой юани	146,96
1 Қувайт динори	4059,85
1 Россия рубли	41,62
1 Украина гривнаси	234,67
100 Ливан фунти	78,95
1 Малайзия рингити	317,21
1 Норвегия кронаси	179,03
1 Польша злотийси	377,77
1 Сингапур доллари	729,50
1 СДР	1714,09
1 Туркия лираси	886,70
1 Швеция кронаси	154,35
1 Швейцария франки	930,05
1 ЕВРО	1441,16
10 Жанубий Корея вони	12,06
10 Япония иенаси	103,74

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ИНВЕСТИЦИЯ ФОНДЛАРИ ВА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИНГ БОШҚА ИНСТИТУТЛАРИ

Нобанк муассасалар иқтисодий ўсишни таъминлашда асосий рол ўйнайдиган майда, жўшқин ривожланиб бораётган фирмаларни молиялайди. Банклар ва бошқа воситачилар, аслини олганда, бир-бирини тўлдиради ва ривожланиш жараёнларига ижобий таъсир кўрсатади.

Ҳар қандай мамлакатда инвестиция институтларининг иккита гуруҳи мавжуд бўлиб, бири асосан фонд бозорининг профессионал иштирокчилари билан ишлайди, иккинчиси эса аҳоли инвестицияларини жалб этиш учун махсус ташкил этилади. Иккинчи турга кирувчи институтларни Ғарб мамлакатларида ўзаро фондлар деб аташади, Ўзбекистон, Россия ва баъзи бошқа мамлакатларда эса улар инвестиция фондлари деб аталади. Бу институтларнинг мақсади – бошқа эмитентларнинг қимматли қоғозларини сотиб олиш ва аҳолига ўз акцияларини сотишдан иборатдир.

Жаҳон амалиётидан кўриниб турганидек, эгалари мустақил бошқара олмасдан, бу ишни ихтисослашган профессионаллар командаси бошқарувига ишониб топширадиган кўпдан-кўп майда сармояларни жамлаш имконияти ва заруряти мавжуд бўлганида инвестиция фондларига эҳтиёж туғилади. Майда инвесторлар ўз сармоялари учун инвестиция фондининг акцияларини оладилар. Бу акциялар фаолият муваффақиятли кечганида инвесторларга дивидендлар келтиради.

(Давоми 2-бетда).

АҚШ доллари ва евронинг ваколатли банклар томонидан айирбошлаш шохобчаларида 2006 йил 17 январ ҳолатига ўзбек сўмига нисбатан жорий этилган курси

Банк номи	АҚШ доллари		Евро	
	Харид	Сотиш	Харид	Сотиш
ЎзР ТИФ МБ	1193,00	1199,00	1442,00	1463,00
"Асака" банки	1197,00	1200,00	1443,00	1459,00
"Ўзсаноатқурилишбанк"и	1195,00	1200,00	1442,00	1452,00
"Пахта Банк"	1198,00	1200,00	1456,00	1459,00
"Халқ банк"и	1196,00	1200,00	1442,00	1455,00
"Ипотекабанк"	1195,00	1200,00	1440,00	1450,00
АБН АМРО банк МБ Ўзбекистон А.Ж.	1194,00	1196,00	1445,00	1453,00
"ЎзДЭУбанк"	1190,00	1200,00	1450,00	1460,00
"Ўзприватбанк"	1194,00	1197,00	1442,00	1453,00
"Ғаллабанк"	1195,00	1200,00	1442,00	1457,00
"Трастбанк" АББ	1198,00	1200,00	1457,00	1459,00
"Алп Жамол банк"	1195,00	1200,00	1454,00	1460,00
"Алоқабанк"	1197,00	1200,00	1447,00	1464,00
"Ў-Т банк"	1198,00	1200,00	1442,00	1460,00
"Туронбанк"	1193,00	1197,00	1443,00	1449,00
"Равнақбанк"	1198,00	1200,00	1445,00	1465,00
"Савдогарбанк"	1192,00	1200,00	1445,00	1465,00
"Ипак йўли" банки	1195,00	1200,00	1453,24	1459,32
"Тадбиркорбанк"	1196,00	1198,00	1454,00	1457,00
"Туркистон" банк	1198,00	1200,00	1457,00	1461,00
"Даврбанк"	1198,00	1200,00	1456,00	1471,00
"Кредит-Стандарт" банки	1187,00	1196,00	1441,50	1460,00
"Капитал банк"	1198,00	1200,00	1441,20	1456,10
"Содерат банк"	1198,00	1200,00	1436,00	1456,00
"Ҳамкор" банк	1198,00	1200,00	1442,00	1457,00
"Универсалбанк"	1196,00	1200,00	1454,00	1459,00
"Парвинабанк"	1198,00	1200,00	1450,00	1459,00

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ИНВЕСТИЦИЯ ФОНДЛАРИ ВА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИНГ БОШҚА ИНСТИТУТЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларда хусусийлаштириш инвестиция фондлари (ХИФлар), улушли ва чекли инвестиция фондлари хусусийлаштириш жараёни туфайли пайдо бўлди.

Инвестиция фондларининг жаҳон таснифлари тизимида Ўзбекистон ХИФлари ёпиқ турдаги корпоратив фондлар жумласига киритилади. Операция структураси бўйича Ўзбекистондаги ХИФлар ёпиқ турдаги фондлар бўлиб, қимматли қоғозларни эмиссия қилган вақтларида уларни қайтариб олиш мажбуриятини олмайди. Бундай фондларда бошқарувчи компания активларни ишонч асосида (эътимодли) бошқаради. Бундай турдаги фондлар акциялар чиқариб, майда омонатчиларнинг жамғармаларини тўплайди, сўнгра эса жамғарилган маблағларни инвестиция декларациясида кўрсатиб ўтилган активларга солади. Ўзбекистонда хусусийлаштирилган корхоналарнинг акциялари ва давлат қимматли қоғозлари ана шундай активлардир. ХИФларнинг инвесторлари айни вақтда фонднинг акциядорларидирлар ва овоз ҳуқуқига эга бўладилар. Улар ўз акцияларини сотиб олиш ва сотишга ҳақли.

Ёпиқ турдаги фондларда қимматли қоғозлар портфели бир марта шакллантирилиб, уларга мувофиқ маълум миқдорда акциялар чиқарилади. Ҳар қандай бошқа корпорацияда бўлгани каби, бирламчи эмиссия акциялари фақат муассислар орасида тақсимланади. Кейинчалик ташқаридан акциядорлар жалб этиш учун қўшимча эмиссиялар амалга оширилади. Лекин, бу иш олдинги нашр акциялари тўла-тўкис жойлаштириб бўлинганидан кейингина қилинади. Ўзбекистонда ХИФлар фақат иккита акциялар нашрини амалга оширишлари мумкин. ХИФ ўзига қўшилаётган бошқа ХИФнинг акцияларига алмаштириш учун қўшимча миқдорда акциялар чиқарадиган ҳоллар бундан мустасно. Акцияларнинг биринчи нашри ХИФни таъсис этиш вақтида муассислар устав жамғармасига қўшган маблағларни қоплаш учун чиқарилади. Акцияларнинг иккинчи нашри аҳолига сотиш учун чиқарилади ва у ХИФ давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин 3 ойдан кечиктирмай чиқарилиши керак. Иккинчи эмиссия проспектлар рўйхатга олинган кундан бошлаб 6 ой ичида жойлаштирилади. ХИФлар ўз акцияларини юридик шахсларга сотиш ва уларни акциядорлардан сотиб олиш ҳуқуқига эга эмас. Ўзбекистонда ХИФларнинг акциялари биржа бозорида ҳам, биржадан ташқари бозорда ҳам айланмоқда.

ХИФ таклиф қиладиган инвестиция чизмаси технологик жиҳатдан анча мураккаб. Унинг тузилиши хусусий инвесторлар – фуқаролар ва юридик шахсларнинг маблағларини ихтиёрий бирлаштириш йўли билан ташкил этилган муайян мулкий мажмуага хизмат қилувчи компанияларнинг битта эмас, бутун бир тизими мавжуд бўлишини тақозо этади.

Бу чизмада бошқарувчи компания асосий "ўйинчидир". У ХИФ ташкил этиш ташаббускори бўлади ва акциядорларнинг маблағларини у ёки бу молиявий воситаларга солиш ҳақида қарор қабул қилади. Ихтисослашган депозитарий ушбу активларни ўз жавобгарлиги остида сақлайди ва бошқарувчи компаниянинг битимлари эълон қилинган инвестиция декларациясига мос бўлишини ҳамда пайчилар билан тузилган шартнома шартларига риоя этилишини назорат қилади. Мустақил қайд этувчи акциялар ҳаракатини ҳисобга олиб боради. Мустақил аудитор фонднинг молиявий ҳисоботларини режа бўйича ва режадан ташқари текширади. Агар фонд активлари бозор қийматига эга бўлмаган молмулкни (масалан, доимий эътироф этилган котировкалари бўлмаган акцияларни) ўз ичига олса, унинг ишига мустақил баҳоловчи жалб этилиши мумкин. Бозор қамровини кенгайтириш учун бошқарувчи компания акцияларни жойлаштириш ва сотиб олиш бўйича агентлар ёллаши ҳам мумкин.

Бу компанияларнинг ҳаммаси (агентлардан ташқари) ўз хизматлари учун ҳар йили фонд маблағларидан маълум миқдорда ҳақ оладилар, агентлар эса ҳар бир сотилган акциядан воситачилик ҳақи оладилар. ХИФда пулнинг ҳаракати қуйидаги кўринишга эга.

Инвесторлар ўз пулларини ХИФларга олиб келадилар. Бу дастлабки омонатлар D1 суммани ташкил қилади. Бошқарувчи компания бу суммани фонднинг инвестиция декларациясида кўрсатиб ўтилган молиявий восита турларига жойлаштиради. ХИФлар активларнинг икки гуруҳига: хусусийлаштирилган корхона акциялари ва давлат қимматли қоғозларига инвестициялаши мумкин.

Маълумки, ХИФ юридик шахс бўлмаганлиги сабабли, сармоянинг ўсган қисмидан солиқ тўламайди, бошқарувчи компания билан тузилган типовой шартнома шартлари бўйича эса акциядорлар дивидендлардан ташқари фоизлар тарзида ҳеч қандай оралиқ даромад олмайдилар. Шу сабабли, фонд маблағларини бозорда жойлаштиришдан олинган фойданинг ҳаммаси фондга қайтарилади. (Равшанки, бу қоида махсус давлат кредити қайтарилгандан кейин амал қилади.) Фонднинг барча мол-мулки маблағнинг ўсган қисми билан бирга пул ифодасида D2 суммасини ташкил қилади.

Фойда акциядорлар ўртасида (дивидендлар тарзида) тақсимланишидан олдин бошқарувчи компания, ихтисослаштирилган депозитарий, мустақил қайд этувчи ва мустақил аудитор фонд сармоясидан ўз ҳақларини оладилар (бу фондни бошқариш харажатлари бўлади). Шу билан ХИФда пулнинг ҳаракати тугайди.

Шуни кўрсатиб ўтиш керакки, Ўзбекистонда инвестиция фондлари учун ихтисослаштирилган депозитарий ролини Марказий депозитарий, қайд этувчи ролини – Қимматли қоғозлар бозорининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бажаради. Мустақил қайд этиш, аудиторлик, депозитарий, баҳолаш бизнеси эндигина вужудга келмоқда. Бозор инфратузилмасининг янада ривожланиб бораётганлиги инвестиция бизнеси билан боғлиқ мустақил тузилмалар пайдо бўлишига умид қилиш имконини бермоқда.

ХИФда пулнинг ҳаракатланиш чизмаси етарли даражада тиниқ, бошқарувчи компания оладиган ҳақ, бошқаришга қилинадиган харажатлар миқдори, шунингдек, дивидендлар, устамалар ҳамда акция баҳосидан чегирмалар миқдори ҳар қайси фонднинг қоидаларида ва эмиссия проспектида кўрсатиб ўтилган бўлади. ХИФлар учун қонун билан белгилаб қўйилган ахборотни ошкор қилиш талаблари шундайки, фонднинг ҳар қандай акциядори хоҳласа инвестициялашнинг ҳар бир жиҳатини кўздан кечириши мумкин. Ана шу маънода ХИФлар молиявий пирамидалардангина эмас, ҳатто ҳозирги кунда молия бозорида тамомила қонуний асосда иш олиб бораётган тузилмалардан ҳам жуда катта фарқ қилади.

Бундан ташқари, ХИФнинг инвестиция чизмаси етарли даражада тиниқ ва ҳар турли фирибгарликлардан яхши ҳимояланган. Айтиш мумкинки, бунда пулни ўғирламоқчи бўлганларга қарши кўп босқичли мудофаа ташкил этилган.

Биринчидан, давлат фуқаролар молиявий омонатларининг бу турини ғоят қаттиқ назорат қилади. ХИФларнинг меъёрий базасини ишлаб чиқиш вақтида инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш асосий ўринга қўйилган. Ўзбекистонда ХИФлар фаолиятига хизмат кўрсатувчи ҳамма компаниялар Қимматли қоғозлар бозорининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан лицензияланади. Меъёрий ҳужжатларга мувофиқ, ихтисослаштирилган депозитарий бошқарувчи компаниянинг битимлари инвестиция декларациясига мос бўлишини назорат қилади, мустақил аудитор бошқарувчи компаниянинг ва депозитарийнинг молиявий балансларини текширади ҳамда текшириш якунлари бўйича Марказга ҳисобот беради. Марказ ҳам мустақил равишда текширувлар ўтказиши ва қоидабузарларга нисбатан ҳар хил жазо чораларини қўллаши, ҳатто лицензияни чақириб олиши мумкин.

Иккинчидан, бошқарувчи компаниялар "ўз сафларининг тоза бўлишидан" манфаатдор.

ХИФларнинг пайдо бўлиши янги бизнес турлари ривожланишига ёрдам берди: инвестицияларни бошқариш, ўз жавобгарлиги остида активларни сақлаш бўйича мутахассислар пайдо бўлди; агентлик хизматларининг янги тури – ХИФлар акцияларини тарқатиш ва сотиб олиш бўйича хизматлар ривожлана бошлади. Бутун дунёда инвестицияларни бошқариш энг мураккаб ва юқори даражада интеллектуал иш деб ҳисобланади, унинг ичида рақобат даражаси жуда юқори. Одатда, инвестиция фондларини бозорда катта обрўга ва узоқ муддатли иш тажрибасига эга бўлган молиявий институтлар илгари сурадилар. Фондни танлаб олиш чоғида бошқарувчиларнинг обрўэътибори инвесторлар учун ғоят муҳим мезондир. Институциявий ривожланиш нуқтаи назаридан қараганда, Хусусийлаштириш инвестиция фондлари - Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозорини шакллантиришдагина эмас, балки умуман бозор тузилмалари қарор топишида ҳам муҳим қадамдир.

ХИФлар турли тармоқларга мансуб корхоналар акцияларининг йирик пакетлари эгаси ҳамда катта миқдорда инвестициявий капитал эгаси сифатида молия-саноат гуруҳларини ташкил этишлари, горизонтал технология цикларини (пахтани, ипак, тери, қишлоқ хўжалик маҳсулотини чуқур қайта ишлаш) яратиши мумкин. ХИФлар бизнес-режалар ҳамда лойиҳаларнинг техникавий-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш вақтида қўшимча инвестицияларни, шу жумладан хорижий сармояни ҳам жалб этишлари мумкин.

Профессионал инвестор молиявий воситалар хилма-хил бўлганида охирги оқибатда иккита вариантдан биттасини танлаб олишга мажбур. Биринчи вариант – унча кўп бўлмаган, лекин кафолатланган даромад билан қаноатланиш. Бунга ишончли банкка омонат қўйиш ёки давлат қимматли қоғозларини сотиб олиш мос келади. Инфляция даражасидан сал юқори бўлган минимал даромад бунда таъминланган бўлади.

Иккинчи вариант омонатлар учун хатар юқори бўлгани ҳолда кўп даромад олинишини тақозо этади. Бунда аҳвол бирмунча мураккаб. Бозорда воситачиларсиз мустақил ўйнаш - ҳаддан ташқари хатарли иш, шунингдек кўп меҳнат ва сармоя талаб қилади. Аслини олганда, одамлар ўз пулларини бошқариш учун профессионалларга беришни ўйлаб топган бўлиб, бу ҳол коллектив инвестициялаш номини олган.

Ривожланган мамлакатларнинг кўпчилигида фуқаролар айнан шундай йўл тутишади. Хусусан, АҚШда инвестиция фондлари ва ўзаро фондлар хусусий шахслар ихтиёридаги барча инвестиция ресурсларининг 90 фоизга яқинини жамлайди. 5 фоиз ҳар хил трастларга, яна 2 фоиз депозитарий ҳисобварақларига ва 3 фоизга яқини суғурта ва пенсия фондларига қолади. Европаликларда ҳам аҳвол тахминан шундай: маблағларнинг 80 фоизи инвестиция фондларига, 10 фоизи трастларга ва 2-3 фоизи депозитларга тўғри келади. Қолган фоизлар турли-туман суғурта ва пенсия фондлари ўртасида тақсимланади.

Ўйлаймизки, Ўзбекистонда ХИФларнинг инвестиция салоҳияти ҳали тугаган эмас. Уларнинг сони ХИФ дастурлари амалга оширила бошлаган вақтдагига қараганда анча қисқарган. Чунончи, 2005 йилнинг 1 октябр ҳолатига кўра Давлат қимматли қоғозлар марказий депозитарийсида 4 та ХИФ рўйхатга олинган бўлиб, уларда 46 мингдан ортиқ акциядор, шу жумладан 24,9 минг дона акцияга эга бўлган 18 та юридик шахс ҳамда Хусусийлаштириш инвестиция фондларининг 2,5 млн. дона акциясига эга бўлган 46 мингдан ортиқ жисмоний шахс бор.

ХИФлар фаолиятининг молиявий кўрсаткичларини таҳлил қилиш умумий ва соф активлар баҳоси тегишлича 117,3 ва 113,6 млн. сўмга ўсганлигини кўрсатади. Активлар умуман ўсгани ҳолда, "Дўстлик" ХИФ, аксинча, активлар 8,4 фоизга камайишига йўл қўйган.

Соф активлар қийматининг акциялар номиналига нисбатини акс эттирувчи кўрсаткичлар муҳимдир. Шу жиҳатдан қараганда "Камалак" ХИФнинг кўрсаткичлари анча юқори – 3,2 номинал бўлиб, бир акцияга 1605,9 сўмни ташкил қилади; "Семурғ" ХИФ бўйича ушбу кўрсаткич 3,1 номинални, бир акцияга 315,3 сўмни; "Олим-Ф" ХИФ бўйича 1,6 номинал ёки 161,3 сўмни ва "Дўстлик" ХИФ бўйича 1,5 номинал ёки 145,6 сўмни ташкил қилади. ХИФлар даромадларининг асосий қисми –деярли 89 фоизи ёки 102,6 млн. сўм инвестиция портфели бўйича олинган дивидендларга тўғри келади ва ушбу даромадлар моддаси 2004 йилнинг тегишли даврига нисбатан 43,7 фоиз ўсди. Ушбу кўрсаткич инвестиция фондлари ўз улушини қўшган корхоналарнинг молиявий аҳволи яхшиланганлигидан дарак беради ҳамда ташкил этилган инвестиция портфелининг самарадорлигини билдиради. Шу билан бир қаторда ўтган даврда ХИФлар олган даромадлар ҳажми 2004 йилнинг тегишли давридагига нисбатан 30,1 млн. сўмга ёки 20,7 фоизга камайганлигини, умумий активлар рентабеллиги эса 13 фоиз пасайганлигини кўрсатиб ўтиш зарур. Хусусан, "Олим-Ф" ХИФнинг даромадлилиги 2004 йил даражасидан 33 фоиз кам бўлган. Шу билан бирга ХИФларнинг харажатлари 2004 йилнинг тегишли давридагига таққослаганда бор-йўғи 7,6 фоиз қисқарган. Инвестиция фондларининг белгиланган стратегик мақсадларини рўёбга чиқариш учун универсаллик принципига амал қилиш керак. Бунда фондлар қимматли қоғозлар бозорида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан тақиқлаб қўйилмаган ҳамма операцияларни амалга оширишлари, ликвидли молиявий воситалар улушини бутун чоралар билан кўпайтириш орқали инвестиция портфелларини муттасил такомиллаштириб боришлари керак.

Жаҳон тажрибаси коллектив бўлиб инвестицияланадиган турли фондларсиз молия бозори тўлақонли фаолият кўрсата олмаслигини ва жамғармаларни тўплаш вазифасини бажара олмаслигини кўрсатади.

Инновациялар бўлими томонидан тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида
РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛДИ
2005 йил 30 ноябр
1528-сон

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
Бошқарувининг 2005 йил 10 сентябрдаги
19/5-сонли қарори билан «ТАСДИҚЛАНГАН»
№616

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МОЛИЯВИЙ АКТИВЛАРНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

(Давоми. Боши 2005 йилнинг 52-сони ва 2006 йилнинг 1-2 сонларида).

Тижорат банкларида
молиявий активларнинг
бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби
тўғрисидаги Низомга
7-илова

ЎзР МБининг ОБЛИГАЦИЯЛАРИ ДИСКОНТИНИ АМОРТИЗАЦИЯЛАШ ЖАДВАЛИ

Реал фоиз ставкаси ҳисоб-китобидан кейин амортизация бўйича жадвални тайёрлаш мумкин. "Соф қолдиқ қиймат" устуни ўзида ҳисобланган фоизларни ҳисоблаган ҳолда акс эттиради, чунки фоизлар облигация эгасига тўланади. Шу сабабли, ҳақиқий қийматни тўғрилаш мақсадида олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар қийматини ҳисобга олиш зарур.

(Суммалар яхлитланган ҳолда келтирилган)

Сана	Номинал қиймат	Олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар ҳисобварағидаги қолдиқ	...дан олинган йиллик фоизли даромад		Дисконт қолдиғи	Соф баланс қиймат (в)
		(а)	Купонлар бўйича ҳисобланган	Дисконт Амортизацияси (б)		
1.03.х3 харид қилинган	1.000.000	19.397			40.000	979.397
31.03-х3	1.000.000	0	10.192	3.739	36.261	963.739
30.04.х3	1.000.000	9.862	9.862	3.846	32.415	977.447
31.05.х3	1.000.000	20.054	10.192	3.711	28.704	991.350
30.06.х3	1.000.000	0	9.863	4.238	24.466	975.534
31.07.х3	1.000.000	10.192	10.192	3.684	20.782	989.410
31.08.х3	1.000.000	20.384	10.192	3.881	16.901	1.003.483
30.09.х3	1.000.000	0	9.863	4.410	12.491	987.509
31.10.х3	1.000.000	10.192	10.192	3.854	8.637	1.001.555
30.11.х3	1.000.000	20.055	9.863	4.383	4.254	1.015.801
31.12.х3	1.000.000	0	10.192	4.254	0	1.000.000
31.12.х3 сўндирилган	0	0				0
Жами			100.603	40.000		

10) Купонлар бўйича фоизлар ҳар чоракнинг охирги кунига келиб тушиши тахмин қилинади.

11) Дисконт амортизацияси = Соф баланс қиймати (олдинги қатор) х Ойлик реал фоиз ставкаси (1,4223570%) минус купонлар бўйича ўша ойга ҳисобланган фоизлар).

12) Соф баланс қиймати ўз ичига олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизларни ҳам олади, лекин ҳақиқий қиймати ўзгариши натижасида илгари қилиниши мумкин бўлган тўғрилаш суммаларини акс эттирмайди.

Тижорат банкларида
молиявий активларнинг
бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби
тўғрисидаги Низомга
8-илова

ХАРИД ҚИЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ХАРАЖАТЛАР АМОРТИЗАЦИЯСИ

2003 йил 1 январ куни банк 12 ой муддатга, 2003 йил 30 июн куни сўндириш муддати билан давлат облигацияларини сотиб олади (сўндиришгача 6 ой қолганда).

Номинал суммаси	1.000.000
Плюс харид қилишдаги харажатлар	18.000
- Дисконт	(50.000)
=	968.000

Облигациялар бўйича йиллик 12 фоизли тўловлар ҳар ой охирида амалга оширилади.

Фоизли даромад реал фоиз миқдори усулида ҳисобланиши лозим. Дисконт амортизацияси фоизли даромадни оширади, харид қилишдаги харажатлар амортизацияси эса фоизли даромадни камайтиради. Мазкур мисолдаги ҳисоб-китоблар «сотишга мўлжалланган» ёки «сўндириш муддатигача сақланадиган» тоифаларда таснифланган облигациялар учун ўринли. «Олди-сотди қимматли қоғозлари» туркумида таснифланган облигацияларни харид қилишдаги

харажатлар дарҳол банк харажатига олиб борилади. Excelдан фойдаланган ҳолда реал фоиз миқдорини ҳисоб-китоби иловадаги жадвалда кўрсатилган.

Шу билан бирга дисконт амортизацияси ва харид қилишдаги харажатлар жадваллари илова қилинган. Харид қилишдаги харажатлар амортизацияси бухгалтерия ҳисобини енгиллаштириш учун тўғри чизиқли услубда кўрсатилган. Моҳияти бўйича ушбу услуб самарали фоиз миқдоридан фойдаланган ҳолда ҳисобланган умумий соф амортизацияни ҳисобга олади ва бухгалтерия ҳисобини енгиллаштириш учун уни иккита суммага бўлади ва бу суммалар облигацияларни сўндириш муддати етиб келган вақтда дисконт ва харид қилишдаги харажатлар суммалари тўлиқ миқдорда амортизацияланиб бўлинади. Мазкур ҳолат реал фоиз ставкаси услубининг ишончлилигини шубҳа остида қолдирмайди, чунки умумий ойлик фоизли даромадлар облигациялар соф баланс қийматининг реал фоиз ставкасига кўпайтирилганлигига тенг.

Мисол учун, январ ойи учун умумий фоизли даромадлар қуйидагилардан иборат (суммани илова қилинган амортизация графигидан қаранг):

Шартнома бўйича фоизлар	10.192
Минус харид қилишдаги харажатлар амортизацияси	(3.000)

Плюс дисконт амортизацияси	7,854
Январ ойи учун жами фоизли даромадлар =	15,046

Юқорида келтирилган умумий фоизли даромад суммаси ҳам қуйидагича ҳисобланиши мумкин:

Ой бошига баланс қиймати	968.000
х Ойлик реал фоиз ставкаси	х 1.5543787%
Реал фоиз ставкаси услубини қўллаган ҳолда январ ойи учун ҳисобланган фоизли даромадлар	15.046

Агар облигациялар «сўндириш муддатигача сақланадиган» тоифасида таснифланган деб тахмин қилинса, у ҳолда январ ойи учун фоизли даромад қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали акс эттирилади:

Дисконт амортизацияси қуйидагича акс эттирилади:

Дт 15991-«Сўндириш муддатигача сақланадиган қимматли қоғозлар бўйича дисконт (контрактив)» 7.854

Кт 44805-«Давлат облигацияларига қилинган инвестициялар бўйича фоизли даромадлар» 7.854

Харид қилиш харажатлари амортизациясини акс эттириш учун куйидагича бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 44805-«Давлат облигацияларига қилинган инвестициялар бўйича фоизли даромадлар» 3.000

Кт 15989-«Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларни харид қилиш бўйича харажатлар» 3.000

Шартнома бўйича фоизларни (фоизлар ой охирида олинади деб фараз қилинсин) акс этгириш учун қуйидагича бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт Банкнинг вакиллик ёки мижознинг депозит ҳисобвараги 10.192

Кт 44805- «Давлат облигацияларига қилинган инвестициялар бўйича фоизли даромадлар» 10.192

Excel жадвалини қўллаган ҳолда давлат облигациялари бўйича реал фоиз ставкасининг ҳисоб-китоби

Бажариш тартиби: Excel да "ВСД" формуласини қўлланг. Бу формула ўзгарувчан даромадлилик миқдорини (даражасини) билдиради (масалан пул оқимлари бўйича). Ушбу формулани топиш учун Excelнинг асосий менюсига кириб, "Қўйиш (Вставка)", "Вазифа (Функция)"..., "Молиявий (Финансовые)", "ВСД"лар босилади. Мазкур формула пул оқимларининг диапазонини сўрайди (С2:С18 катакчалар). Формула реал фоиз ставкаси бўйича зарурий қидирув жараён(цикл)лари сонини чегаралаб қўйиш учун "Тахмин (Предположение)"-ни сўрайди. Одатда "Тахмин (Предположение)" майдонига 1% ни киритиш етарли ҳисобланади.

A	B	C	D
1	Сана	Пул оқимлари	Тушунтириш
2	01.01-х3	-968.000	Дастлабки пулнинг чикиб кетиши манфий катталикда киритилган (а)
3	31.01.х3	10.192	Фоизлар бўйича олинган тўловлар
4	28.02.х3	9.205	Фоизлар бўйича олинган тўловлар
5	31.03.х3	10.192	Фоизлар бўйича олинган тўловлар
6	30.04.х3	9.863	Фоизлар бўйича олинган тўловлар
7	31.05.х3	10.192	Фоизлар бўйича олинган тўловлар
8	30.06.х3	1.009.863	Фоизлар бўйича олинган тўловлар ва муддатига келгандаги сўндиришлар
9			
10		1,55%	Ойлик реал фоиз миқдори (б)
11			=ВСД(С2:С8, 1%)
12			

Дастлабки пул оқими = 1.000.000 сўм номинал суммада, 50.000 сўм дисконтни чегирган ҳолда, плюс.

Ўрнатилган йиллик 12% ставкага нисбатан йиллик реал фоиз миқдори 18.653% (1.554787х12) ни ташкил қилади. Облигациялар қанчалик соф дисконт (50.000 - 18.000 = 32.000 соф дисконт) билан сотиб олинган бўлмасин, реал фоиз миқдори ўрнатилган фоиз миқдорига нисбатан юқори. (Агар ВСД ҳисоблаши харид қилишдаги харажатлар ҳисобисиз амалга оширилганда эди, у ҳолда йиллик реал фоиз миқдори 22.57% ни ташкил қилган бўлар эди.)

Давлат облигацияларининг амортизация графиги

(Суммалар яхлитланган холда келтирилган)

Сана	Ойлик фоизли даромад				Соф дисконт колдиги	Колдиқ киймат
	[Манфий сумма (дебет фоизли даромад хисобвараги) кавс ичида кўрсатилган]				(д)	(е)
	Харид килишдаги харажатлар амортизацияси (а)	Дисконт амортизацияси (б)	Шартнома бўйича олинган фоизлар (в)	Умумий акс эттирилган ойлик фоизли даромадлар (г)		
1.01.Х3-сотиб олиш	(3.000)				32.000	968.000
31.01.х3	(3.000)	7.854	10.192	15.046	27.146	972.854
28.02.х3	(3.000)	8.917	9.205	15.122	21.329	978.771
31.03.х3	(3.000)	8.022	10.192	15.214	16.207	983.793
30.04.х3	(3.000)	8.429	9.863	15.292	10.778	989.222
31.05.х3	(3.000)	8.184	10.192	15.376	5.594	994.406
30.06.х3	(3.000)	8.594	9.863	15.457	0	1.000.000
30.06.х3 сўндириш					0	0
Жами	(18.000)	50.000	59.507	91.507		

3) Оддийлик учун харид қилиш харажатлари тўғри чизиқли методда амортизацияланади. Умумий ойлик даромад реал фоиз ставкаси методидан фойдаланган ҳолда акс эттирилади.

4) Дисконт амортизацияси (олдинги қатордаги соф баланс қиймати х ойлик реал фоиз миқдори) плюс 3.000 сўм каби ҳисобланади.

5) Шартнома бўйича фоизли тўловлар ҳар ойнинг охирги кунида олиниши тахмин қилинади.

6) Жами = (а) + (б) + (в)

7) Соф дисконт = олдинги қолдиқ + (а) - (б). Эътибор беринг, «соф дисконт» 15991 (дисконт) ва 15989 (харид қилиш харажатлари) ҳисобварақларидаги қолдиқ суммаларни акс эттиради. Молиявий ҳисобот учун ушбу иккита ҳисобварақ ҳам қанчалик сотиб олишдаги харажат қилинган пул маблағлари билан қимматли қоғознинг номинал суммаси ўртасидаги фарқни акс эттиришмасин, соф қийматни акс эттиролмайди.

8) Баланс қиймати = 1.000.000 сўм номинал сумма - (д). Мазкур баланс қиймат қолдиқларни айирганда ги қийматга тенг:

9) 15905 (номинал сумма) ҳисобварақ бўйича + 15989 (харид қилиш харажатлари) - 15991(дисконт)

Тижорат банкларида
молиявий активларнинг
бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби
тўғрисидаги Низомга
9-илова

БЕРИЛГАН АКТИВЛАР УСТИДАН НАЗОРАТ ЎРНАТИШ ВА ЭГАЛИК ҚИЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ХАВФ-ХАТАР ВА МУКОФОТЛАРНИ БЕРИШНИ БАҲОЛАШ

Хавф-хатар ва мукофотлар

Хавф-хатар ва мукофотлар берилганлигини, берилган активлар бўйича соф пул оқими суммаси ва вақт тақсимотидаги ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда активларни беришгача ва бергандан кейинги банкнинг ташқи омиллар бўйича тортилган хатарини солиштириш йўли билан баҳоланади.

Агар ушбу активни бериш натижасида, ушбу молиявий актив бўйича келажакдаги соф пул оқимларининг жорий қийматидаги ўзгаришлар билан боғлиқ хавф-хатар бўйича банк тортилган хатар ўзгармаса, у ҳолда банк молиявий активга эгалик қилиш билан боғлиқ барча хавф-хатар ва мукофотларни ўзида сақлаб қолган деб ҳисобланади (масалан, банк молиявий активни ягона имкониятли шарт билан яъни қайта сотиб олишдаги белгиланган қиймати ёки харид баҳосига кредитор даромади қўшган ҳолда сотиб олиш шарти билан сотди).

Агар банкнинг бундай молиявий актив билан боғлиқ келажакдаги соф пул оқимларининг жорий қийматдаги умумий якуний ўзгаришларига нисбатан бундай хавф-хатар ўзгаришлари унчалик муҳим бўлмаса, у ҳолда банк молиявий активга эгалик қилиш билан боғлиқ барча хавф-хатар ва мукофотларни берган ҳисобланади (масалан, банк молиявий активни ягона имкониятли шарт билан яъни қайта сотиб олишдаги ҳақиқий қиймати бўйича сотиб олиш шарти билан сотди ёки банк келишув бўйича рухсат берувчи, масалан, мазкур Низомнинг 36-бандидаги шартга жавоб берувчи ссудада қисман иштирок этганда, йирик молиявий актив бўйича барча пул оқимларидаги барча мутаносиб улушларини тўлиқ бериб юборса).

Кўпинча маълум бўладики, банк томонидан молиявий активга эгалик қилиш билан боғлиқ барча хавф-хатар ва мукофотлар берилган ёки сақлаб қолинган, у ҳолда ҳисоблашларни амалга ошириш зарурати бўлмайди.

Бошқа ҳолатларда, активни беришгача ва бергандан кейинги келажакдаги соф пул оқимларининг жорий қийматидаги банкнинг хавф-хатарлар ўзгариши бўйича тасдиғини таққослаш ва ҳисоблашни амалга ошириш зарур. Ҳисоблаш ва таққослашлар дисконт ставкаси сифатида жорий бозор фоиз ставкасини қўллаган ҳолда ўтказилади. Соф пул оқимларидаги барча асосли бўлиши мумкин бўлган ўзгаришлар, муҳим жиҳатдаги катта эҳтимолий натижалар билан кўриб чиқилади.

Назорат

Берилган активлар устидан банкнинг ўз назоратини сақлаб қолиши, олувчининг ушбу активни сотиш имконияти билан боғлиқ. Агар олувчида ушбу активни бутунлай қандайдир бошқа бир мустақил учинчи томонга сотишнинг реал имконияти бор бўлса ва у буни бир томонлама ва ушбу активни беришга нисбатан қўшимча чеклашларсиз амалга ошириши мумкин бўлса, бунда банк учун ушбу актив устидан назорат қилиш ваколати қолмайди. Қолган барча ҳолатларда банк ўзида назоратни сақлаб қолади.

Тижорат банкларида
молиявий активларнинг
бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби
тўғрисидаги Низомга
10-илова

ЯНГИ АКТИВ ЁКИ МАЖБУРИЯТ ПАЙДО БЎЛИШИГА ОЛИБ КЕЛАДИГАН, МОЛИЯВИЙ АКТИВЛАРНИ БЕРИШ БЎЙИЧА АСОСИЙ ҚОИДАЛАР

1. Агар банк молиявий активни бутунлай ҳисобдан чиқаришни ва тўлов (мукофот) учун ушбу активга хизмат кўрсатиш бўйича ўзида ҳуқуқни сақлаб қолишни талаб қилувчи категория талаблари остида берадиган бўлса, у ҳолда банк хизмат кўрсатиш бўйича мазкур шартномага нисбатан ёхуд хизмат кўрсатиш бўйича активни ёхуд хизмат кўрсатиш бўйича мажбуриятни тан олади. Агар олиниши лозим бўлган мукофот хизмат кўрсатиш бўйича банкка етарли даражадаги компенсацияни қила олмаса, у ҳолда бу шартномавий мажбуриятга нисбатан хизмат кўрсатиш бўйича мажбурият ҳақиқий қиймати бўйича тан олинади. Агар олиниши лозим бўлган мукофот хизмат кўрсатиш бўйича банкка етарли даражадаги компенсацияни қила олса, у ҳолда бу шартномавий ҳуқуқ бўйича актив суммаси қуйидаги 3-бандга мувофиқ сотиб олинган молиявий активнинг қолдиқ қийматидаги тақсимланган улуши асосида аниқланадиган суммага тенг бўлади.

2. Агар активни бериш натижасида молиявий активни тўлиқ ҳисобдан чиқариш рўй берса, у ҳолда бунинг натижасида банк янги молиявий актив, молиявий мажбурият қабул қилиб олади ёки хизмат кўрсатиш бўйича мажбуриятларни олади лекин, банк уларни ҳақиқий қийматлари бўйича тан олади.

3. Агар бериладиган актив қандайдир йирик молиявий активнинг бир қисми бўлса ва бериладиган мазкур қисмга нисбатан унинг бутунлай тўлиқ ҳисобдан чиқарилиши талаб этилса, у ҳолда йирик активнинг олдинги баланс қиймати тан олиниши давом эттириладиган ва ҳисобдан чиқариладиган қисмлари ўртасида ҳар бир қисм бўйича бериш санасига, ҳақиқий қийматидан нисбатан келиб чиққан ҳолда (қуйидаги келтирилган мисолга қаранг) ўзаро тақсимланади. Ўртадаги фарқ, яъни:

1) ҳисобдан чиқарилувчи қисмининг баланс қиймати билан;

2) қуйидаги катталиклар суммалари ўртасидаги фарқ:

а) ҳисобдан чиқарилган қисми бўйича олинган тўлов (возмещения) (шу билан бирга, ихтиёрий қабул қилинган янги актив, қабул қилинган ихтиёрий янги мажбурият чегириб ташланган ҳолда);

б) ҳисобдан чиқарилувчи қисмга тааллуқли бўлган ва бевосита тўғридан-тўғри капиталда тан олинган ихтиёрий йиғилган (кумулятив) фойда ёки зарарлар фойда ва зарарлар ҳисоботида тан олинади. Капиталда тан олинган йиғилган (кумулятив) фойда ёки зарарлар суммалари тан олиниши давом эттириладиган ва ҳисобдан чиқариладиган қисмлар ўртасида ҳар бир қисмнинг ҳақиқий қийматидан нисбатан келиб чиққан ҳолда (қуйидаги келтирилган мисолга қаранг) ўзаро тақсимланади.

Мисол

Банк «А» сотиб олиш санасига бозор фоиз ставкасига тенг бўлган 11% даромад келтирувчи облигацияларни фоизли купонлар билан бирга сотиб олади. Кейинчалик банк ушбу облигациялар бўйича умумий асосий қарз суммасини учинчи томонга сотади. Сотиш тўғрисидаги келишув шартига мувофиқ, учинчи томон 6% даромадлилик билан облигацияларнинг 80% сотиб олади, бунда банк учинчи томонга 6% даромадни олиши тўғрисида кафолат (гарантия) беради. Банк ўзида облигацияларнинг қолган 20%ини ва учинчи томонга сотилган облигациялар бўйича қўшимча 5% даромадни сақлаб қолади. «А» банкнинг ушбу облигациялардаги қолган улуши учинчи томонга сотилган 80% улушли облигациялар билан боғлиқ зарарларни қоплаш учун гаров таъминоти бўлиб ҳисобланади. Мазкур операция тан олишни тўхтатиш критериясига жавоб беради ва "А» банк мазкур операцияни сотишга мўлжалланган сингари ҳисобга олади.

Савол: Банк қанчалик молиявий активнинг бир қисмини берган ва активнинг бошқа қисмини ўзида қолдирган, мазкур активнинг баланс қиймати қолдирилган ва сотилган қисмлари ўртасида ҳар бир қисмнинг сотиш санасидаги ҳақиқий қийматидан нисбатан келиб чиққан ҳолда ўзаро тақсимланиши лозим. Фойда ёки зарарлар сотилган қисмдан олинадиган тушумга асосланган ҳолда тан олиниши лозим. Бундай ҳолда банк қандай қилиб ушбу активнинг баланс қийматини тақсимлаши лозим?

Мазкур мисолда облигацияларнинг сотилган қисмининг ҳақиқий қиймати учинчи томон ҳисобидан тўланган бўлиб, облигацияларнинг 80% ни ташкил этади. Банкдаги облигацияларнинг қолган қисми учун бозорда талаб йўқ, шу билан бирга банк уларни илгари сотмаган. Шунингдек, сотилиши лозим бўлган облигациялар бўйича мос аналогик типдаги бозор котировкалари мавжуд эмас. Ўз навбатида, ушбу облигацияларнинг ҳақиқий қийматини баҳолашни амалга ошириш учун имкониятлар йўқ.

Ечим: Банк «А» кўриб чиқиладиган облигациялар бўйича келгуси пул оқимларини шартнома бўйича уларга тааллуқли тўловлардан келиб чиқиб баҳолайди ва мазкур кўзда тутилган пул оқимларидан муддатли сўндириш ва кўрилиши мумкин бўлган зарарлар суммаларини чегириб ташлайди. Кейин эса бу пул оқимларини кўзда тутилган хавф-хатарлар бўйича мос тўғрилашларни ҳисобга олган ҳолда баҳоланган бозор фоиз ставкаси бўйича дисконтлайди.

Фараз қилайлик, мазкур услубда улушли қолдиқнинг ҳақиқий қиймати асосий сумманинг 25% ига тенг бўлсин. У ҳолда сотилган компонентга тегишли сумма қуйидагича ҳисобланади: 80% / (80% + 25%) = 76,19% (бу ҳисобдан чиқарилувчи актив суммасини ҳосил қилади).

Сотишдан тушган тушум қуйидаги тартибда ҳисобланади:

Асосий сумманинг 80% - асосий сумманинг 76,19% = асосий сумманинг 3,81%

Тижорат банкларида
молиявий активларнинг
бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби
тўғрисидаги Низомга
11-илова

БАНКДА НАЗОРАТИ ВА ЭГАЛИК ҚИЛИШДАГИ ИШТИРОК УЛУШИ ҚОЛАДИГАН МОЛИЯВИЙ АКТИВЛАРНИ БЕРИШ (ПЕРЕДАЧА)

Агар банк умуман олганда узатилган активлар бўйича эгалик қилишдаги барча хавф-хатар ва мукофотларни бермаса ва ўзида сақлаб қолмаса ва узатилган активлар устидан ўзида назоратни сақлаб қолса, у ҳолда банк ушбу активни унга эгалик қилишдаги ўз улуши миқдорида тан олишни давом эттиради. Банкнинг узатилган активлар бўйича ўз улуши банкнинг узатилган актив қийматининг ўзгариши хавф-хатарини тасдиқлаш даражасига боғлиқ.

Мисоллар:

1) Агар банкнинг эгалик қилишдаги ўз улуши берилган активлар бўйича кафолат (гарантия) шаклида бўлса, у ҳолда банкнинг эгалик қилишдаги иштирокли улуши даражаси қуйидаги иккита катталикнинг кичик қийматга эга бўлганлигига тенг: (а) актив суммаси ёки (в) банкдан қоплашни талаб қилувчи олган максимал кафолат (гарантия) суммаси.

2) Агар банкнинг эгалик қилишдаги ўз улуши узатилган актив бўйича ёзма шаклда ёки сотиб олинган опцион (ёки шунга ўхшаш ва бошқача) шаклида бўлса, у ҳолда банкнинг берилган актив бўйича эгалик қилишдаги иштирокли улуши даражаси банк қайтиб сотиб олиши мумкин бўлган берилган актив суммасига тенг бўлади. Баъзида, ҳақиқий қиймати бўйича баҳоланувчи активни сотиш бўйича ёзма опцион ҳолатида, банкнинг эгалик қилишдаги иштирокли улуши даражаси қуйидаги иккита катталикларнинг кичик қийматга эга бўлганлиги билан чегараланади: берилган активнинг ҳақиқий қиймати ёки фойдаланилган опцион нархи билан.

(Давоми бор).

2006 йил 10 январдан 16 январгача бўлган даврда АҚШ долларининг миллий валюталарга нисбатан курсидаги ўзгаришлар*

1 АҚШ доллари

Россия Федерацияси
11.01.2006 й.да - 28,48 росс. рубли
12.01.2006 й.да - 28,48 росс. рубли
13.01.2006 й.да - 28,40 росс. рубли
14.01.2006 й.да - 28,47 росс. рубли

Украина
10.01.2006 й.да - 5,0500 гривна
12.01.2006 й.да - 5,0500 гривна
13.01.2006 й.да - 5,0500 гривна

Беларус Республикаси
11.01.2006 й.да - 2152,50 бел. рубли
12.01.2006 й.да - 2154,00 бел. рубли
13.01.2006 й.да - 2153,00 бел. рубли
16.01.2006 й.да - 2153,00 бел. рубли

Эстония
11.01.2006 й.да - 12,9784 крона
12.01.2006 й.да - 12,8780 крона
13.01.2006 й.да - 12,9612 крона
16.01.2006 й.да - 12,8684 крона

Латвия
11.01.2006 й.да - 0,5769 лат
12.01.2006 й.да - 0,5728 лат
13.01.2006 й.да - 0,5763 лат
16.01.2006 й.да - 0,5721 лат

Литва
11.01.2006 й.да - 2,8638 лит
12.01.2006 й.да - 2,8412 лит
13.01.2006 й.да - 2,8599 лит
16.01.2006 й.да - 2,8389 лит

Қирғизистон Республикаси
14.01.2006 й.да - 41,3150 сом

Тожикистон Республикаси
10.01.2006 й.да - 3,2015 сомоний
12.01.2006 й.да - 3,2015 сомоний
13.01.2006 й.да - 3,2018 сомоний

Молдова
10.01.2006 й.да - 12,8321 лей
11.01.2006 й.да - 12,8367 лей
12.01.2006 й.да - 12,8379 лей
13.01-15.01.2006 й.да - 12,8392 лей

Туркманистон
18.11.2004 й.да - 5200,00 манат

Қозоғистон Республикаси
11.01.2006 й.да - 133,75 тенге
12.01.2006 й.да - 133,45 тенге
13.01.2006 й.да - 133,57 тенге
16.01.2006 й.да - 133,50 тенге

Швейцария
11.01.2006 й.да - 1,2831 швейц. франки
12.01.2006 й.да - 1,2738 швейц. франки
13.01.2006 й.да - 1,2820 швейц. франки
16.01.2006 й.да - 1,2742 швейц. франки

Япония
11.01.2006 й.да - 114,74 япон иенаси
12.01.2006 й.да - 113,90 япон иенаси
13.01.2006 й.да - 114,44 япон иенаси
16.01.2006 й.да - 114,24 япон иенаси

1 Англия фунт стерлинги
Буюк Британия
11.01.2006 й.да - 1,7562 АҚШ долл.
12.01.2006 й.да - 1,7693 АҚШ долл.
13.01.2006 й.да - 1,7694 АҚШ долл.
16.01.2006 й.да - 1,7770 АҚШ долл.

1 евро
Евроминтақа
11.01.2006 й.да - 1,2053 АҚШ долл.
12.01.2006 й.да - 1,2150 АҚШ долл.
13.01.2006 й.да - 1,2069 АҚШ долл.
16.01.2006 й.да - 1,2161 АҚШ долл.

**** Долларнинг мамлакатлар миллий валюталарига нисбатан курси марказий (миллий) банкларнинг расмий хабарлари ва «REUTERS» тизими маълумотлари асосида берилди.***

МАМЛАКАТНИНГ ЭНГ ЯХШИ КОМАНДАЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу йил анъанавий номинациялар билан бир қаторда "хизмат кўрсатиш сифатини такомиллаштиришнинг энг юқори даражаси" деган янги номинация жорий этилган бўлиб, унда қулайлик, хизмат кўрсатиш тезлиги ва бошқалар ҳам ҳисобга олинади. Ушбу номинацияда "Ипотекабанк" АТИБ Чирчиқ бўлими командаси энг яхши команда деб топилди.

Танловда "абсолют яхши натижалар" номинацияси бўйича ғолиб бўлган "Капиталбанк" АТБ "Қўқон" мини-банки командасининг аъзолари Азизхон Иброҳимов ва Фарҳоджон Хошимов сўзлари билан айтганда, муваффақиятга эришиш мижозлар сонини кескин ошириш билангина эмас, балки пул жўнатишнинг ишончлилигини, хавфсизлигини ва тезлигини ошириш билан ҳам боғлиқ.

Тренинг ва семинарларда қатнашиш ҳам банкларнинг мижозларига хизмат кўрсатишни яхшилашда муҳим рол ўйнади. Республикадаги хизмат кўрсатиш пунктларининг операторлари бу пунктларда тажриба алмашиш имконига эга бўлдилар.

"Капиталбанк" АТБ "Юнусобод" мини-банки қитъалараро даражада ғолиб бўлди. Энди бу мини-банк "Western Union" Клуб 500ининг бутун дунёдаги юзта энг яхши хизмат кўрсатиш пунктлари сафидан жой олди.

Мунаввар РАЗЗОҚОВА.

DUET ДАСТУРИ САМАРА БЕРМОҚДА

"Ўзтадбиркорбанк" бошқаруви замонавий банк хизмати турларини кенгайтириш учун ўз тизимида пластик карточкалар эмиссиясини ва улар ёрдамида бажариладиган операциялар ҳажмини янада ошириш юзасидан муайян ишларни олиб бормоқда. Хусусан, у Ўзбекистон Республкаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги 445-сонли "Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг барча бандлари ижросини таъминлаб, пластик карталар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни янада кенг йўлга қўйиш мақсадида бир қанча амалий ишлар қилди.

Ишлаб чиқилган тадбирлар режасига мувофиқ банк Ўзбекистон Республикаси Банклар ассоциацияси томонидан ўтказилган тендерда ғолиб чиққан Sercotec Select llc компанияси билан шартнома тузди. Унда 70 минг дона пластик карточка, 300 дона терминал ва DUET дастури учун керакли техник жиҳозлар келтирилиши кўзда тутилган.

"Ўзтадбиркорбанк" ва "Bgs Smartcard Systems AG" компанияси ўртасида 2004 йил 25 декабрда тузилган шартномага асосан, банк марказий аппаратига DUET дастури жорий этилиб, 2005 йил 1 мартдан бошлаб банк ўзининг шахсий пластик карточкаларини муомалага чиқара бошлади. Бу жараённи амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва "Ўзтадбиркорбанк" бошқаруви томонидан тасдиқланган тартиб-қоидаларга асосланилди. Бухгалтерия амалиётлари ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг қолдиқ маблағларига ҳисобланган фоиз тўловлари бўйича қоидалар, шунингдек, пластик карточкалардан фойдаланиш тартиблари белгиланди.

"Ягона умумреспублика процессинг маркази" билан тузилган шартномага асосан, "Ўзтадбиркорбанк" республика ҳудудидаги барча тижорат банкларини ўзида бирлаштирган ягона DUET тизимига уланди. Шунингдек, тизимни кенгайтириб бориш мақсадида банкнинг вилоят бошқармаларида ҳам ушбу дастур асосида ишлаш йўлга қўйилиб, тижорат банкларининг барча турдаги ҳисоб-китоблари пластик карточкалар ва терминаллар орқали амалга ошириладиган бўлди.

Банкда олиб борилган ишлар самараси ўлароқ, 2006 йил 1 январ ҳолатига "Ўзтадбиркорбанк" томонидан режага мувофиқ 70 000 дона пластик карточка жисмоний ва юридик шахсларга тарқатилишига эришилди.

- Таъкидлаш жоизки, сўм карталари орқали эмиссия сонининг тобора ошиши банкдаги пул айланмаларининг ҳам тез суръатларда ўсиб боришига олиб келмоқда, - дейди банкнинг пластик карточкалар билан ишлаш, меҳнат ва иш ҳақи ҳисоб-китоби бошқармаси бошлиғи Бекмуҳаммад Холбеков. - Хусусан, "Ўзтадбиркорбанк" тизими бўйича жорий йилнинг 1 январ ҳолатига пластик карточкалар орқали амалга оширилган миллий валютадаги пул айланмаси жами 1005 млн. сўмдан ошиб кетди.

Муомалага чиқарилган сўм карталарининг асосий қисми иш ҳақи лойиҳаларига йўналтирилган бўлиб, ундан нафақат "Тадбиркорбанк" ходимлари, балки фермер хўжаликлари, корхона ва ташкилотлар ишчи-хизматчилари ҳам ойлик маошларини олиш учун фойдаланиб келмоқда.

Жорий йилнинг 1 январ ҳолатига кўра ўрнатилган 300 дона (уларнинг 34 таси Тошкент шаҳар марказида, қолган 266 донаси Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар ҳудудларида ўрнатилган) терминал орқали амалга оширилган нақд пулсиз ҳисоб-китоблар 605 млн. сўмни ташкил этди.

Юлдуз ЗОКИРОВА ва Азиза КАЛОНОВА.

ТАДБИРКОР ВА "ТАДБИРКОРБАНК" МУНОСИБ ҲАМКОР

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун катта имкониятлар яратмоқда.

Бунда мавжуд давлат ва тижорат банкларининг хизмати катта бўлиб, улар мазкур субъектларнинг барқарор фаолият юритишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқда. Хусусан, АТ "Тадбиркорбанк" Тошкент вилояти бошқармаси бу борада амалга оширган ишларини унинг шу пайтга қадар ўз мижозларига кўрсатган хизматларидан билсак бўлади.

Масалан, банкнинг Паркент туман бўлими томонидан тикиш-бичиш ишларини ривожлантириш ва янги иш ўринларини ташкил этиб, қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш мақсадида "Мусурмонқулова Замира" хусусий фирмасига ажратган имтиёзли кредити (йиллик 3% ҳисобидан 950,0 минг сўм кредит берилган) ушбу корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 3 баравар ошишига олиб келди. Аҳоли эҳтиёжи ва бозор талабига қараб, турли хил ҳажмдаги ранг-баранг гилам ва палослар ишлаб чиқараётган "Мирсобит Сардор" хусусий фирмаси ҳам бевосита банк томонидан берилган кредит эвазига катта ижобий натижаларни қўлга киритишга муваффақ бўлди. Бундан ташқари, 2005 йил давомида банкнинг туман бўлимлари аҳолининг ун ва ун маҳсулотларига бўлган талабини тўла қондиришга хизмат қилаётган тадбиркорларга ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ўз айланма маблағларини тўлдириш учун банк ҳисобидан қисқа муддатли кредит маблағларини ажратди.

АТ "Тадбиркорбанк" Тошкент вилояти бошқармасига қарашли туман бўлимларининг 2006 йил 1 январ ҳолатига жами кредит қўйилмалари 1 млрд. 316 млн. сўмдан кўпроқни ташкил қилди. Шу жумладан, ажратилган қисқа муддатли кредитлар 674 млн. 415 минг сўм, узоқ муддатли кредитлар 641 млн. 591 минг сўм бўлди.

Банк ўз мижозларига (кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларга) ажратган маблағларнинг (2006 йил 1 январ ҳолатига кўра) энг юқори фоизи (28,42%) қишлоқ хўжалигига қаратилган бўлса, 21,52%и савдо востачилигига, 19,69%и саноатга ҳамда 13,3%и қурилиш ва маиший хизмат каби соҳаларга берилди.

Бугунги кунда мазкур кредит маблағлари ҳисобига 1915 та янги иш жойи ташкил этилган бўлиб, вилоятдаги шунча ишсиз иш билан таъминланди.

2005 йил давомида банкда янги очилган (ташкил этилганидан бошлаб 6 ой муддат ичида) кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, деҳқон ва фермер хўжаликларининг бошланғич сармоясини шакллантириш мақсадида 25 нафар мижозга 33785,0 минг сўм миқдорида (йиллик 2,7 фоиз ҳисобидан 3 йил муддатга) имтиёзли кредит маблағлари ажратилди. Уларнинг 20 тасини деҳқон ва фермер хўжаликлари ташкил этади.

Шунингдек, айни пайтда вилоят бўйича жами 4106 та хўжалик юритувчи субъектга (уларга 2045 та деҳқон ва фермер хўжалиги, 7 та ширкат ва жамоа хўжалиги, 66 та бюджет ташкилоти, 3 та қўшма корхона, 1965 та фирма ва хусусий тадбиркор ҳамда 20 та давлат ташкилоти киради) хизмат кўрсатиб келаётган АТ "Тадбиркорбанк" ходимлари мижозларнинг бошқа талабларини ҳам ўз вақтида бажармоқда. Хусусан, улардаги бўш пул маблағларининг хавфсизлигини таъминлаш, қолаверса, банкдаги пул айланмаларини йўлга қўйиш мақсадида банкда хилма-хил омонатлар таклиф қилинган. Жумладан, йиллик 28%ли "Тадбиркор" (6 ой муддатга), 32%ли "Нуроний" (1 йил муддатга), 34%ли "Орзу" (3 ойдан кам бўлмаган муддатга), 35%ли "Сиҳат-саломатлик" (1 йиллик) ҳамда 36%ли "Барака" (1 йил муддатга) каби омонатларга жалб қилинган маблағларнинг жами қолдиғи 1 млрд. 54 млн. сўм (шундан муддатли омонатлар қолдиғи 335 млн. 400 минг сўм)ни ташкил этади.

Бундан ташқари, замонавий хизмат тури бўлмиш пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантириш, улардан чакана савдода, коммунал тўловларда ва бошқа турдаги хизматлар учун ҳақ тўлашда фойдаланиш, шунингдек, пул маблағларининг банкдан ташқарида айланишини қисқартириш мақсадида вилоят "Тадбиркорбанк" тизимида жами 5700 дона сўм карточкалари эмиссия қилиниб, улардан фойдаланиш учун жойларда 32 та терминал ўрнатилган.

АТ "Тадбиркорбанк" акцияларини сотиш ҳисобига устав капитали ўтган йилда 2004 йилга нисбатан 31 млн. 262 минг сўмга ошиб, 2006 йил 1 январ ҳолатига 266 млн. 603 минг сўмни ташкил қилди. У бундай кўрсаткичга мавжуд 2894 та акциядорнинг саъй-ҳаракатлари эвазига эришди.

Бугунги кунда мижозлар манфаатини кўзлаб, уларнинг узоғини яқин қилиш мақсадида АТ "Тадбиркорбанк"нинг 6 та мини-банки (Оққўрғон, Пискент туман ҳамда Келес бўлимлари шулар жумласидандир) ўз фаолиятини олиб бормоқда. Бундан ташқари, банк Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига биноан тез кунларда белгиланган ҳудудларда яна ўзининг мини-банкларини очишни кўзда тутган. Бу ўз навбатида, кичик бизнес субъектларига хизмат кўрсатишни ривожлантириш билан бирга қўшимча мижозлар жалб қилиш орқали банк даромадини ошириш учун имкон яратади.

Гулшан ЮСУПОВА.

Омонат ва Сармоя

Аҳоли учун махсус саҳифа

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ДЕПОЗИТЛАРИ БЎЙИЧА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН ТАКЛИФ ҚИЛИНАЁТГАН ФОИЗ СТАВКАЛАРИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

2006 йил 1 январ ҳолатига

Омонат (депозит) номи	Муддати	Йиллик фоизи	Бошланғич бадал	Эслатма
ТИФ Миллий банки				
Пластик карточка		16	150	Фоизлар ҳар ойда капитализацияни ҳисобга олган ҳолда берилади.
«Таътил»*	3 ой	28,8	2000	Фоизлар ҳар ойда капитализацияни ҳисобга олмаган ҳолда берилади.
«Келажак»*	5 йил	32	1000	16 ёшгача бўлган болаларга очилади.
«Ният»		4,5		Автомобил қийматининг 50%и қўйилади.
«Омонлик»*	6 ой	27	50000	Фоизи қўйилган кунда (аванс) берилади.
«Хотиржамлик»*	6 ой	28		
«Омадли»	2 йил	30,4	100000	
«Кўпайсин»*	1 йил	31	200000	25 ноябрдан қабул қилинади.
«Шодиёна»*	2 ой	36	300000	Қўшимча маблағ қабул қилинмайди.
«Ёшлик»*	1 йил	27,2	5000	
Пахта Банк				
Муддатли	6 ой	24	50000	Фоизлар муддати тугагандан кейин берилади.
Муддатли	1 йил	24	50000	Фоизлар муддати тугагандан кейин берилади.
Муддатли	3 йил	26	50000	Фоизлар бир йилдан сўнг тўлаб берилади.
Муддатли	5 йил	26	50000	Олинмаган фоизлар асосий суммасига қўшиб борилади.
«Фаровонлик»*	3-6 ой	24-25	5000	Фоизни ҳар ойда олиш мумкин.
«Оқ олтин»*	6 ой	24	2000	Фоизлар асосий суммага қўшилмайди ва маблағ қўйилган кунда 1 ой учун омонатчиларга берилади, маблағлар нақд пулда қабул қилинади.
«Пахтакор»*	3 ой	25	1000	Фоизлар асосий суммага қўшилмайди ва ҳар ойда омонатчиларга берилади, маблағлар нақд ва нақд пулсиз қабул қилинади.
«Барака»*	3, 6, 9 ой и 1 йил	16-24	20000	Фоизлар асосий суммага қўшилмайди, аванс тариқасида (олдиндан) ёки боскичма-боскич омонатчиларга берилади, маблағлар нақд пулда қабул қилинади. Фоизлар йиллик 16дан 24гача сақланиш муддатига қараб тўланади.
«Баҳор»*	9 ой	25	20000	Омонат фақат нақд пулда қабул қилинади.
«Саховат»*	1 йил	26	20000	Фоизлар асосий суммага қўшилмайди ва ҳар ойда омонатчиларга берилади.
«Навниҳол»**	1 йил	16	1000	16 ёшдан 25 ёшгача қўйилган маблағ олинадиган муддатида 50000 сўмга етса 10% қўшиб ҳисобланади.
«Болалар келажагимиз»**	1-5 йил	22-28	10000	Фоизлар ҳар 3 ойда берилади. 1 йил муддатга 22-24%, 2 йилга 23-25%, 3 йилга 24-26%, 4 йилга 25-27%, 5 йилга 26-28%.
«Маиший тўлов»**	2 йил	30	коммунал ва бошқа	Маблағлар нақд пулда қабул қилинади, фоизлар ҳар ойда коммунал тўловларга ўтказиб берилади.
Пластик карточка		24		Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда омонатчиларга берилади, нақд ва нақд пулсиз қабул қилинади.
Ўзсаноатқурилиш банки				
«Мақсадли болалар омонати»**	10 йил	24	100	
«Сюрприз»***		8	100	Йилига 2 марта ўйин ўтказилади.
«Тақдим этувчига»**	4 ой	24	100000	
«Қулай»*	3 ой	24-26,8	25000	Фоизни ҳар ойда олиш мумкин.
«Маиший хизмат тўловига»*	2 йил	42		
«КВ-1»*	1 ой	24		
«Шодлик»*	2 ой	35	100000	
«Фойдали»*	6 ой	32	100000	Қўшимча маблағ қабул қилинади.
«Сармоя»*	9 ой	24-32	50000	Капитализация билан.
«Танлов»*	6 ой	26	50000	Капитализация билан.
«Барака»*	1 йил	30	50000	Капитализация билан.
«Эффект»*	10 ой	31	100000	Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.
«Кафолат плюс»		1	100	Нақд пулда қабул қилинади.
Пластик карточка		8	100	
Visa Electron Пластик карточка		16		
Visa Classic Пластик карточка		24		
Ўтғадбиркорбанк				
«Истеъмол жамғармаси»**	24 ой	10,0		Фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг тўланади.
«Сиҳат-саломатлик»*	1 йил	30,0	1000000	Фоизлар ҳар чоракда берилади.
«Мавсум»*	3 ой	25,0	50000	-//-
«Орзу»*	3 ой	28,0	50000	3 ойдан кам бўлмаган муддатга.
«Тадбиркор»*	6 ой	28,0	25000	
«Барака»*	1 йил	36,0	200000	Фоизлар ҳар чоракда тўланади.
«Имконият»*	6 ой	36,0		Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.
«Тежамкор-коммуналчи»*	2 йил	34,0		
«Нуроний»*	1 йил	30,0		-//-
«Истеъмол жамғармаси»*	24 ой	10,0		Автомобил сотиб олиш учун кредит олишга мўлжалланган.
Савдогарбанк				
«Кафолатли даромад»*	6 ой	24,0	50000	1 ойлик омонатнинг фоизи қўйилган кунда берилади, қолгани муддати тугагандан кейин тўланади.
Муддатли	1 йил	26,0	75000	-//-
Муддатли	3 йил	27,0	100000	-//-
Муддатли	3 йил ва юқори	28,0	500000	-//-
«Мўътабар аёл»*	1 йил	26,0	2000	-//-
Муддатли*	3 ой	22,0	1000	-//-
Муддатли	6 ой	24,0	2000	-//-
Муддатли	1 йил	26,0	5000	-//-
Муддатли	5 йил	28,0	10000	-//-
«Коммуналчи»*	6 ой	36,0	200000	Фоизлар коммунал тўловлар учун ўтказилади.
«Келажак»*	6 ой	36,0	200000	Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.
«Капитал»*	3 ой	35,0	1000000	Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.
«Ишонч»*	3 ойдан юқори	26,0	10000	-//-
«Автожамғарма»	3 йил	20,0		Кредит олиш учун.
«Фаровон ҳаёт»	Пластик карточка	16,0		
Раллабанк				
«Имконият»*	6 ой	20,4	10000	Омонат муддати тугагандан сўнг маблағга уй-рўзғор ашёси, енгил автомобил, турар жойлар сотиб олиш мумкин, ойига 1,8% устама ҳисобланади.
«Саломатлик»*	11 ой	21,6	10000	Ойига 2,0% устама ҳисобланади ва фақат саёҳатга чиқиш ва саломатликни тиклаш учун сарфланади.
«Нафақа мададкор»*	1 йил	20,4	10000	Омонат фақат нафақахўрларга очилади ва ҳар ойда 1,8% устама берилади.
«Ishonch»*	3 ой - 3 йил	20,4-22,8	10000-5000000	Маблағ 3 ойдан 3 йилгача муддатга қўйилиши мумкин: тегишли шкала ва ўзаро тузиладиган шартномага биноан 21,6%дан 26,4%гача устама тўлашга келишилади.
«Luks»*	3 ой - 3 йил	21,0-23,4	5000000-10000000	Маблағ 3 ойдан 3 йилгача муддатга қўйилиши мумкин: тегишли шкала ва ўзаро тузиладиган шартномага биноан 22,2%дан 26,4%гача устама тўлашга келишилади.
«Коммунал омонати»*	3 ой	24,0	100000	Йилига 26,4% миқдорида устама тўланади.
«Kafolat»*	3 ой - 3 йил	21,6-24,0	5000000 - 10000000	Маблағ 3 ойдан 3 йилгача муддатга қўйилиши мумкин: тегишли шкала ва ўзаро тузиладиган шартномага биноан 22,4%дан 26,4%гача устама тўлашга келишилади.
«Меҳригиё»**	18 йил	18,0	10000	Йилига 18% дан ҳисоблаб, капитализациясиз 18 ёшга тўлганда берилади. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари номига ҳомийлик асосида махсус очилади.
Пластик карточка	Талаб қилиб олингунча	МБ қайта молиялаш ставкаси миқдорида	1000	Фоизлар кунлик ҳисобланади, ой охирида капитализация қилинади.
«Kelajak»**	16 йил	МБ қайта молиялаш ставкаси миқдорида	10000	МБнинг қайта молиялаш ставкаси миқдорида бир йилда бир марта молия йили якунида тўланади.
Турон банк				
18 ёшгача болалар**	5 йил	16,0	1000	Фоизи 18 ёшга тўлгандан сўнг тўланади. Муддати 5 йилдан кам бўлмаслиги лозим.
«Ният»**	2 йил	5,0		Автомобил сотиб олиш учун кредит олишга мўлжалланган омонат.
«Келажак»**	3 йил	5,0	2000	Истеъмол кредити беришга мўлжалланган омонат.
«Омад кувончи»**		5,0	10000	Ютуқли омонат бўлиб, тираж ҳар 6 ойда ўтказилади.
«Кафолат»*	10 кун	23,0	10000	Ҳар ойнинг 25 санасидан кейинги ойнинг 5 санасигача.
«Нуроний»*	3 ой	23,0	50000	Қариялар учун мўлжалланган омонат.
«Орзу»*	3, 6 ва 12 ой	18,0	2000	Фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.
«Имконият»*	1 ойдан 1 йилгача	21,0	50000	Фоиз даромадларини олиш муддатларини омонатчи белгилайди.
«Бинафша»*	1, 2, 3 ой	18,0	50000	Омонатчи саклаш муддатини хоҳишига кўра белгилайди.
«Ўқувчи»*	2 ой	16,0	50000	Ўқувчиларни янги ўқув йилига тайёрлаш бўйича омонат.
«Фаровонлик»*	2 йил	3,0	10000	Истеъмол кредити беришга мўлжалланган омонат.
«Тантана»*	2 ой	32,0	100000	Фоизлар асосий муддати тугагандан сўнг берилади.
«Саховат»*	6 ой	28,0	200000	Омонат бўйича ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.
«Ҳамкорлик»*	5 ой	23,0		Омонат бўйича ҳисобланган фоизлар кисми коммунал тўловларга ўтказилади.
Пластик карточка	талаб қилиб олингунча	20,0	3000	Депозитларга ҳисобланган фоиз даромадлари ҳар ойда капитализация қилинади.
Асака банк				
«Орзу»*	3 ой	24,0	5000	Омонатнинг сақланиш муддати 3 ой ва ундан юқори.
Муддатли	6 ойдан 1 йилгача	24,0	1000	Фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.
Муддатли	1-3 йил	23,0	1000	Фоизи омонат ёпилганда тўланади.
Муддатли	3-5 йил	24,0	1000	Фоизи омонат ёпилганда тўланади.
«Табассум»*	45 кун	24,0	250000	Омонатнинг сақланиши 45 кун.
«Наврўз»*	2 ой	24,0	250000	
«Умид»*	3 ой	25,0	10000	Капитализацияси билан.
«Юбилей»*	45 кун	32,0	150000	

**** муддатли, ** жамғарма, *** ютуқли.***

ДАРОМАДИМ КЎПАЙСИН ДЕСАНГИЗ...

«Саломатлик»*	2 ой	30,0	50000	
«Юбилейный»*	6 ой	22,0	150000	Омонат ҳар ойда тўлаб берилади.
«Автоомонат»	2,5 йил	12,0	1000	Кредит олиш учун.
«Харидор»*	3 йил	12,0		Истеъмол кредитига мўлжалланган.
«Тақдим этувчига»*	3 ой	23,0	250000	Омонат ҳар ойда тўлаб берилади.
Пластик карточка		16,0	1000	
Ипотека-банк				
«Антиқа»*	1, 6, 12 ой	20, 22, 24	5000	
«Болажон»*	5 йил	16,0		18 ёшга тўлгунича.
«Нур»*	15 кун	28,0	5000	Ҳар ойнинг 20-31 санасигача.
«Истиқбол»*	2 ой	26,0	10000	
«Баҳор»*	45 кун	24,0	10000	
«Адолат»*	6 ой	35,0	100000	Бошланғич бадал ойма-ой тўлаб борилади.
ерзиба»*	3 ой	35,0	50000	Муддати тугаганидан сўнг капитал билан қўшиб берилади.
«Маиший хизмат тўловлари» *	1 йил	30,0		
Пластик карточка		16,0		
Уйжойжамғарма-банк омонати	Муддатсиз	6,0		
Алокабанк				
Муддатли	3 ой	22,0	1000	Фоизларни ҳар ойда олиши мумкин.
Муддатли	6 ой	22,0	1000	-//-
Муддатли	1 йил	23,0	1000	-//-
«Байрам»*	4 ой	30,0	1000	Энг кўп қўйиладиган омонат миқдори 10000000 сўм. Фоизлар ҳар ойда берилади.
«Хумо»*	12 ой	24,0	10000	Фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.
«Махсус»		30,0	100	Бу омонатдан коммунал ва телефон тўловларига пул ўтказиш мумкин.
«Орзу»**	3 йил	3,0	20%ли Истеъмол кредити	Истеъмол кредити.
«Файзли»*	6 ой	35,0	10000	Ҳар ойда фоизлар тўланади.
«Тухфа»*	6 ой	34,0	100000	Капитализацияси билан.
«Янги йил совғаси»*	2 ой	36,0	100000	Муддати тугаганидан сўнг капитал билан қўшиб берилади.
«Яхши ният»**	6 ой	30,0	1000	Фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.
«Бахтли болалик»*	3-17 йил	30,0	10000	1 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар учун.
Ипак йўли				
«Ниҳол»*	1,2,3,6 ой	28,30,32,34	100000	Ҳар ой фоиз тўланади.
Халқ банки				
«Тақдим этувчига»*	3 ой	18,0	5000	Омонат ҳар ойда тўлаб берилади.
«Ташаккур»*	3 ой	18,0	5000	Тошкент вилояти учун.
«Ишонч» *	6 ой	16,0	10000	Омонат муддати узайтирилса, мукофот тариқасида бошланғич бадал 2%га оширилади.
«Даромад»*	3 ой	16,0	5000	3 ой муддатга қабул қилиниб омонат қолдиғи 4,0% тўланади.
«Олтин водий»*	6 ой	18,0	50000	Фоиз олдиндан тўланади. Фарғона вилояти учун.
«Пойтахт»*	100 кун	18,0	1000	Омонат шартини бузилса ва омонатини талаб қилиб олса, талаб қилиб олгунча фоиз ставкаси бўйича даромади тўланади.
«Мукофот»*	3 ой	18,0	5000	3 ой муддатга қабул қилиниб омонат қолдиғи 4,5% тўланади.
«Хазина»*	6 ой	18,0	5000	6 ой муддатга қабул қилиниб ойига 1,5 фоиз миқдори омонат қолдиғига қўшилмаган ҳолда олиб борилади.
«Имконият»*	1 йил	16,0	10000	1 йил муддатга фақат нақд пул қабул қилиниб 1 санага фоиз даромади ҳисобланади.
«Келажак»*	1 йил	15,0	10000	Фоиз даромадлари 3 ойдан сўнг ҳар ойда берилади.
«Фаровон»*	3 ой	35,0	100000	3 ойга қабул қилинади. 20 июндан фақат нақд пулда.
«Холис хизмат»**	6 ой	18-30	200000	Мижоз коммунал тўловларига тўласа 30% тўлаб берилади. 1 апрелгача қабул қилинади.
«Яхшилик ниҳоли»**	1 ой	15,0	5000	1 ой сақламасдан омонатини талаб қилиб олса, талаб қилиб олгунча фоиз ставкаси бўйича даромади тўланади.
«Болалар»**	10 йил	18,0		Фоиз даромадлари бўйича захира фонди ташкил этилади.
Траст банк				
«Эҳтиром»*	2 ой	35,0	200000	Фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.
«Ихлос»*	6 ой	24,0	20000	Фоизлар ҳар чоракда тўлаб берилади.
«Хазина»*	6 ой	35,0	200000	Фоизлар аванс тариқасида тўлаб борилади.
«Имконият»*	3 ой	34,0	200000	Фоизлар ҳар ойда тўланади.
«Садаф»*	1 ой	32,0	100000	
Приват банк				
Пластик карточка		12		
Жамғарма		5-15	3000	
Муддатли	6 ой	22	10000	Фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади. Капитализацияси йўқ.
Муддатли	1 йил	24	10000	-//-
Муддатли	3 йил	28	10000	-//-
Али Жамол банк				
«Оила»*	1 йил	25	10000	
«Набира»*	3 йил	30	10000	
«Ёш авлод»*	5 йил	33	10000	
Равнақ банк				
«Олтин куз»*	3 ой	30	200000	Фоизи муддати тугаганидан сўнг олинади.
«Барака»*	6 ой	33	300000	Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.
Туркистон банк				
Муддатли	2 ой	36	50000	2 ойдан сўнг 6% қўшиб тўланади.
Муддатли	3 ой	36	5000	3 ойга 9% қўшиб тўланади, ўз вақтида олмаса назоратчи томонидан иккинчи муддатга узайтирилади.
Муддатли	5 ой	36	5000	5 ойдан сўнг 15% қўшиб тўланади.
Муддатли	6 ой	36	5000	6 ойга 18% тўланади.
«Қомус»*	1 ой	36	50000	Фоизи муддати тугаганидан сўнг олинади.
«Шодлик»*	45 кун	36	50000	Фоизи муддати тугаганидан сўнг олинади.
Муддатли	12 ой	36	10000	12 ойдан сўнг 26% қўшиб тўланади.
«Капитал плюс»*	6 ой	36	5000	Ҳар ойда 3% тўланади, капитализацияси билан.
Капитал банк				
Муддатли	12 ой	24	500000	Фоизлар ҳар ойда тўланади.
Универсал банк				
«Универсал капитал»*	3 ой	24	1000	Капитализация қилинади. Қўшимча маблағ қабул қилинмайди.
«Капитал»*	6 ой	26	5000	Капитализация қилинмайди. Қўшимча маблағ қабул қилинмайди.
«Капитал-люкс»*	12 ой	30	50000	-//-
«Эгасининг номи кўрсатилмаган»*	6 ой 9 ой 12 ой	26 28 30	100000	-//-
«Коммунал сервис»*	12 ой	30	50000	Капитализация қилинмайди. Қўшимча маблағ қабул қилинади.
Пластик карточка				
	талаб қилиб олингунча	6	чекланмаган	Қўшимча маблағ қабул қилинади.
«Автоомонат»*	2 йил	12		Капитализация қилинмайди. Қўшимча маблағ қабул қилинади.

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИДАГИ ДЕПОЗИТЛАРИ БЎЙИЧА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН ТАКЛИФ ҚИЛИНАЁТГАН ФОИЗ СТАВКАЛАРИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

2006 йил 1 январ ҳолатига

Депозит тури	Муддати	Йиллик фоизи	Бошланғич бадал	Эслатма
ТИФ Миллий банки				
Эгаси ёзилган (Именной)				
Муддатли	1-2 йил	4,1	300-5000	Фоизлар белгиланган ставкалар бўйича чет эл валютасида тўланади.
		4,25	5000-10000	
		4,75	10000 дан юқори	
Муддатли	2-3 йил	4,5	300-5000	
		4,75	5000-10000	
		5,5	10000 дан юқори	
Муддатли	3 ой	3,0	300-5000	
		3,25	5000-10000	
		3,75	10000 дан юқори	
Муддатли	6 ой	3,5	300-5000	
		3,75	5000-10000	
		4,25	10000 дан юқори	
"Хавас"**	1 йил	6	1000	3 ой муддатдан сўнг қўшимча маблағ қўйиш имконияти бор.
"Сармоя-1"*	45 кун	9	10000	Фоизлар сўмда тўлаб берилади.
"Сармоя-2"*	2 ой	8	5000	Қўшимча маблағ қабул қилинмайди.
"Фойдали"*	6 ой	7	5000	Фоизлар аванс тариқасида берилади.
Тақдим этувчига (на предъявителя) Муддатли	1-2 йил	3,5	300-5000	
		3,75	5000-10000	
		4,25	10000 дан юқори	
Муддатли	2-3 йил	4	300-5000	
		4,25	5000-10000	
		4,75	10000 дан юқори	
Муддатли	3 ой	2,5	300-5000	
		2,75	5000-10000	
		3,25	10000 дан юқори	
Муддатли	6 ой	3	300-5000	
		3,25	5000-10000	
		3,75	10000 дан юқори	
Ўзсаноатқурилишбанки				
Тақдим этувчига	1 йил 1 йил ва юқори	4 6	300 100	
Асака банк				
Муддатли	1 йил	3,0	300-1000	Фоизи омонат ёпилганда тўланади.
Муддатли	1 йилдан юқори	4,0	1000-5000	Фоизини ҳар ярим йилда олиш мумкин.
Муддатли	1 йилдан юқори	4,5	5000 ва юқори	Фоизини ҳар ярим йилда олиш мумкин.
Ипотека-банк				
Муддатли	1-3 ой	2,5	1000	
Муддатли	3-6 ой	3,0	1000 юқори	
Муддатли	6-9 ой	3,5	1000 юқори	
Муддатли	9-12 ой	4,0	1000 юқори	
Муддатли	1-3 йил	5,0	1000 юқори	
Муддатли	3-5 йил	6,0	1000 юқори	
Муддатли	5 йилдан юқори	8,0	1000 юқори	
Туронбанк				
Муддатли	12 ой	4,0	500	Қабул қилиш фоиз тўлаш чет эл валютасида амалга оширилади.
Муддатли	3 ой	6,0	100	Фоизлар тўлов кунига курс бўйича бўнак тариқасида берилади.
Муддатли	6 ой	8,0	500	
Муддатли	12 ой	10,0	1000	Курс бўйича бўнак тариқасида берилади.
Халқ банки				
Муддатли	1 йил	1,5	300	Фоиз даромадлари талаб қилиб олингунча омонатига белгиланган фоиз ставкаси.
Приват банк				
Муддатли	1 йил 1 йил ва юқори	1,5 1,6	1000	
Равнақ банк				
Гаранд	9 ой	10	500	
Престиж	1 йил	11	1000	
Комфорт	6 ой	9	500	
Виктори	3 ой	8	500	
Ипак йўли банк				
Муддатли	3 ой	6	500	Фоизлар МБ курси бўйича сўмда тўланади.
Муддатли	6 ой	10	200	
Капитал банк				
Муддатли	3, 6, 9 ой	6	400	% муддати тугаганда тўланади.
Муддатли	12 ой	8	500	% муддати тугаганда тўланади.
Муддатли	12 ой	9	500	% лар олдиндан аванс берилади. МБ курси бўйича сўмда тўланади.
Али Жамол банк				
Муддатли	90 кун	8	500	МБ курси бўйича сўмда тўланади.
Алока банк				
Муддатли	3 ой	3		
Муддатли	6 ой	3,5		
Муддатли	12 ой	4		
Муддатли	1 йилдан юқори	5		

Ахборот ЎзР Марказий банки томонидан «Банк ахборотномаси» учун махсус тақдим этилди.

ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ СЕМИНАРИ

Минтақавий банк ўқув маркази мана бир неча йилдирки, Марказий Осиёнинг мустақил давлатлари - Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон Республикалари банк-молия соҳаси мутахассисларини ўқитиш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланиб келади. Шунингдек, халқаро ташкилотлар билан алоқа боғлаган ҳолда банк тизими кадрларининг салоҳиятини ошириш, замонавий банк технологияларини татбиқ этиш соҳасидаги ишлар ҳам ушбу марказ фаолияти доирасига киради. МБЎМ курсларининг Дастури асосан ўқишга эҳтиёжи бўлган талабаларнинг таклифлари асосида тузилган, минтақавий шароитларга мослаштирилган.

Биргина ўтган 2005 йил якунларига кўра 1649 нафар тингловчи Марказ томонидан турли мавзуларда ўтказилган семинарлар иштирокчиси бўлган. 2500 нафар ўқувчи эса кассир ва назоратчиларга мўлжалланган валюта айрибошлаш шохобчаларида иш олиб бориш курсларида ўқитилди. Юқорида айтиб ўтганимиздек, Марказ фақат Ўзбекистонда эмас, балки Тожикистон ва Қирғизистон Республикаларида ҳам ўз фаолиятини амалга оширади (Душанбе ва Бишкек шаҳарларида). Жумладан, ўтган йилда МБЎМ тингловчиларининг 143 нафари Тожикистон Республикаси тижорат банклари ходимлари эди.

2006 йилда ҳам Минтақавий банк ўқув маркази ўз фаолиятини давом эттиради. У январ-июл ойларига 24 тадан ортиқ мавзуда ўқув семинарларини ташкил этишни режалаштирган. Ушбу семинарларда тижорат банклари бошқарув, амалиёт ходимлари, Молия вазирлиги ходимлари ва бошқалар иштирок этишади.

2006 йил 16 январда Марказ бу йилги фаолиятини бошлайди. Банкларнинг етакчи бўлимлари ва филиаллари раҳбар ходимлари учун ташкил этилган семинар "Замонавий банк иши" деб номланади. У 16-27 январ кунлари МБЎМ биносида ўтказилади. Ушбу курсни ташкил этишдан асосий мақсад банк ходимларига банкларнинг ҳозирги босқичдаги роли, мақсади ва асосий функцияларининг моҳиятини тушунтириш, тингловчиларни тижорат банкларининг операциялари билан таништириш ва уларга амалий тавсиялар беришдан иборат. Семинар давомида тингловчилар банк ишининг ҳуқуқий асослари, Марказий банкнинг монетар сиёсати, тижорат банкларининг замонавий кредит операциялари, кредит сиёсати, банк капиталини бошқариш каби мавзуларда маърузалар тинглашади. Асосий маърузаларни МБЎМ ўқитувчилари ҳамда банк мутахасислари қилади.

Эъзоз КАМОЛОВА.

"ЎзРТХБ" ОАЖ ТАШҚИ АУДИТГА ХАЛҚАРО ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛДИ

"Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси" ОАЖ ("ЎзРТХБ" ОАЖ) 2005 йилги молия-хўжалик фаолиятини ташқи аудитдан ўтказиш учун халқаро танлов эълон қилди. "ЎзРТХБ" ОАЖ матбуот хизматидан шу ҳақда хабар беришди.

Матбуот хизмати "тегишли лицензияга ва аудиторлик фаолиятида иш тажрибасига эга бўлган Ўзбекистон компаниялари ҳам, чет эл компаниялари ҳам танлов иштирокчилари бўлиши мумкин", деб аниқлик киритди.

Танловда қатнашмоқчи бўлган даъвогарлар ўз тижорат таклифларини ўзлари ҳақидаги қисқача ахборот билан бирга 2006 йил 13 феврал куни Тошкент вақти билан соат 18.00 га қадар тақдим этишлари керак.

"ЎзРТХБ" ОАЖ 1994 йил апрел ойида ташкил этилган бўлиб, у ҳозирда биржа савдолари ва кўргазма савдолари ўтказиладиган 37 та савдо майдончасига эга. 2005 йил март ойида Ўзбекистон норезидентларига ЭАВда маҳсулот сотиш бўйича савдо майдончаси очилди.

"ЎзРТХБ" ОАЖнинг устав сармояси номинал баҳоси 100 сўм бўлган 25 млн. оддий акцияни жойлаштириш ҳисобига 2,5 млрд. сўм миқдорида ташкил этилган. Устав сармоясининг 72,3 фоизи юридик шахслар, 27,7 фоизи жисмоний шахслар ҳиссасига тўғри келади.

"ЎзРТХБ" ОАЖ акцияларини сақловчи энг йирик юридик шахслар орасида устав сармоясининг 29,3 фоизига эга бўлган Ўзбекистон Давлат мулки қўмитаси, 13,04 фоизига эга бўлган "Биржа сервис марказ" ОАЖ, 8,16 фоизига эга бўлган "Трастбанк" АТБ, 6,06 фоизига эга бўлган "Ўзулгуржисавдо" АК, ҳар бири 6,0 фоизга эга бўлган "Ўзнефтмаҳсулот" АК ва Олмалиқ КМК бор.

"ЎзРТХБ" ОАЖнинг 2004 йилдаги молиявий-хўжалик фаолиятини ихтисослаштирилган ўзбек фирмаси "Tri-S-Audit" ташқи аудитдан ўтказган бўлиб, 2004 йил апрел ойида аудиторлик хулосасини тайёрлаган эди.

Ушбу хулосага кўра, "ЎзРТХБ" ОАЖнинг соф фойдаси 2004 йил якунлари бўйича 143,3 млн. сўмни (2003 йилга нисбатан ўсиш 11,8 баравар), активлари 4,709 млрд. сўмни (+38,4 фоиз), мажбуриятлари 1,836 млрд. сўмни (+9,2 фоиз), ўз сармояси 4,683 млрд. сўмни (+54,7 фоиз) ташкил қилган эди.

"Туркистон-пресс" НАА.

ЯШАВОР, ЧАРЛИ!

БАНКДАГИ САРГУЗАШТЛАРИМ - 2

(Стивен Ликок ҳикоясига ремейк)

Ҳаёт деганлари оқар дарё экан. Банкдаги саргузаштларим ҳали эсимдан чиқиб улгурмай, орадан ўттиз йиллар чамаси вақт ўтибди. Бу йиллар мобайнида ҳаётимда улкан воқеалар бўлиб ўтди, дерсиз? Ҳечам-да. Уйланганимни, фарзандлар орттириб, уларни оёққа қўйганимни айтмасам, ҳаётимда жиддий воқеалар юз берганини деярли эслай олмайман. Иш жойим ҳам, мартабам ҳам ўзгаргани йўқ.

Дарвоқе, фарзандлардан гап кетди. Куни кеча хорижда ўқиётган кенжатойим Жонни кутиб олиш учун аэропортга чиққандим. Биласиз, аэропорт ҳамиша гавжум. Бировнинг биров билан иши йўқ. Бир пайт қарасам, ола-ғовур ичида ўрта бўйли, башанг кийинган бир одам мовий кўзларини мендан узмай, тикилганича яқинлашиб кела бошлади.

- Жаноб, сиз Стивен Ликок эмасмисиз?

- Ҳа, менман, лекин, Сизни таниёлмай турибман.

- Ҳечқиси йўқ, ахир орадан анча йиллар ўтиб кетди-да, ўзиям.

Эсласангиз, бир вақтлар сиз билан бирга ишлаганмиз. Менинг исмим Чарли. Ёдингизга тушдими?

- Ҳа-ҳа, эсладим. Сиз, ўша Чарли! Эҳ-ҳе!..

Чарли... Анча қарибди, сочлари оқариб, юзига ажин тушибди.

Илло, ўзи тетик. Кайфияти ҳам аъло. Ишлари юришиб кетган шекилли, ҳаётидан мамнунлиги сезилиб турибди.

- Биласизми, Стив, - деди Чарли, ўзини менга яқин кишидек тутиб, - сизни кўп эслайман, яхши гаплар билан эслайман. Ахир, ҳар ойлик маошдан эллик долларини банкка қўйиш ва шу тариқа пул жамғариш ғоясини сиздан ўрганганман-да! Менгаку, ўргатган эдингиз, ўзингизчи, ўзингиз шу ниятингизни амалга ошира олдингизми?

Чарлининг саволини эшитдим-у, банкдаги ўша воқеа яна бирма-бир кўз ўнгимдан ўта бошлади. Яхшиямки Чарли банкка борганимни, у ерда ҳаяжондан оёқларим чалишиб кетганини, ўзимни пултопар миллионердек кўрсатмоқчи бўлиб, банк бошқарувчисига калондимоғлик қилганимни, чўнтагимда кучим борича ғижимлаб ташлаганим эллик олти долларни ҳисобвараққа қўйиб, шу заҳоти шоша-пиша ҳаммасини қайтариб олганимни, бу ишимга банк ходимлари аввал ҳайрон бўлиб, кейин қаҳқаҳа кўтариб мириқиб кулишганини билмайди.

- Стив, бу ер жуда сершовқин экан, бирор холироқ жой топиб...

У "холироқ" деган сўзни айтиши билан бундан ўттиз йил муқаддам ўзим банк бошқарувчисига такаббурлик билан, "Сиз билан ёлғиз, холироқ гаплашиб олмоқчиман" деганимни эсладим-у, бир сесканиб тушдим. Аммо, сир бой бермадим.

- Кечирасиз, ўғлимни кутаётгандим. Анави эшикдан залга кириб келса керак. Тағин кўрмай қолсам, ўтиб кетмасин. Яхшиси шу ерда... Мен "турганим маъқул" демоқчи эдим, у бўлса, "гурунглашаверайлик" деб тушунди шекилли, гапни гапга улаб юборди. .

- Хуллас, Стив, ўшанда сиздан ўрнак олиб мен ҳам банкка пул қўйдим. Эсингизда бўлса, иккаламизнинг маошимиз бир хил эди. Мен ҳам ишни эллик доллардан бошладим. Бир йилда роса 600 доллар жамғардим. Келаси йил яна, ундан кейин яна... Бу орада банк ўтган ҳар бир йил учун 8 фоиздан фойда тўлаб турди. Уни ҳам капитализация қилдим.

- Капитализация қилиш яхши, - дедим ҳардамҳаёллик билан.

Суҳбатдошим сўзлаяпти-ю, мен ўзимни кичрайиб кетаётгандек, худди ер қаърига чўкиб кетаётгандек ҳис қилдим. Бу етмагандай, потинка қурғур ҳам оёғимни қиса бошлади, назаримда.

- Нимасини айтасиз. Бунинг устига банк бошқарувчиси жуда ажойиб инсон экан. Унинг маслаҳати билан жамғарилган пулимнинг бир қисмини узоқ муддатли депозитга қўйдим, бир қисмига депозит сертификатлари сотиб олдим. Сертификатдан даромад келишини айтмайсизми?! Орадан беш йиллар ўтиб, ишончли мижоз сифатида менга банкдан яхлитгина кредит беришди! Ана ўша сармояга бизнес ишларимни бошлаб юбордим. Омадим бор экан, бизнесим чопқиллаб кетди, кредитни ҳам ўз вақтида қайтардим, янги машина ҳам сотиб олдим. Лекин, ўша сиз ўргатган одатни ҳали-ҳали канда қилмай, ҳар ойда орттирган пулимни банкка қўяман. Ана шуларнинг ҳамма-ҳаммаси учун биринчи навбатда сиздан миннатдорман!

- Нега мендан? - Ҳали ҳам банкдаги саргузаштим хаёлимни тарк этмаганди.

- Айтдим-ку, ҳаммаси сизнинг бир оғиз маслаҳатингиз, тўғри йўл-йўриқ кўрсатишингиздан. Айтганча, ўзингиз-чи? Ўзингиз ҳам банкнинг катта имкониятларидан дурустгина фойдалангандирсиз?

- Ўзига яраша, - дедим дудмолроқ қилиб. Ахир ёлғон гапира олмайман-ку. Қизиқ, у ўттиз йилда қанча жамғарди экан? Чамалаб кўрсам, Чарлининг шу йиллар мобайнида маошидан банкка қўйган маблағи фоизларини қўшиб ҳисоблаганда 60-70 минг доллардан ошиб кетган бўлса керак! Мана эса... Топганимни пайпоққа яшириб, бор-йўғи 16 минг долларча пул тўплай олдим, холос. Э, эссиз!.. Афсус... Энди пушаймондан фойда йўқ. От босмаган изларни той боссин. Биз катталар йўл қўйган хато ёшларга сабоқ бўлсин.

Шу пайт диктор мен сабрсизлик билан кутаётган самолёт эсон-омон қўнганини, йўловчилар саккизинчи йўлакдан чиқишларини эълон қилди. Чарли мен билан хайрлашиб, тепа қаватга кўтарилди.

Хаёлларимни жамлаб улгурмасимдан, рўпарамда Жон пайдо бўлди. Бўйи чўзилибди, овози ҳам катталарникидек. Қучоқлашиб кўришдик. Менинг энг катта бойлигим шу фарзандларим, деб ўзимни-ўзим юпатиб қўйдим.

- Дада, такси чақирайми? - деб сўради Жон аэропорт биносидан чиққанимиздан кейин.

- Йўқ, болагинам, эскироқ бўлса ҳам, ўзимизнинг машинамизда кетамиз.

Шундай дейман-у, ўзим атрофга олазарак боқаман. Шақир-шуқур машинада кетаётганимни Чарли кўриб қолмасинда!..

- Сизларни роса соғиндим. Ойим тузукмилар? Бувим мен яхши кўрган олчали пирогдан пишириб қўйдиларми, ишқилиб? - деди Чарли хаёлимни бўлиб.

- Бўлмаса-чи!

- Эртагаёқ балиқ овига борайлик, дада. Балиқ ови жонидилим.

Бу орада мен қатъий қарорга келиб улгурган эдим.

- Йўқ болам, - дедим, эртирозга ўрин йўқ деган оҳангда, - эртага сен билан банкка борамиз, сенинг номингга ҳисобварақ очиб, ишни эллик доллар қўйишдан бошлаймиз.

Шу гапни қатъият билан айтганимга, айниқса гапим суюкли фарзандимга маъқул тушганига ишонч ҳосил қилиб, севиниб кетдим.

Яшавор, Чарли!..

БАНК АХБОРОТНОМАСИ
АХБОРОТ—ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети
«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ
Тадбиркорликни ахборот билан қўллаб-қувватлаш "Заковат" ижтимоий жамғармаси

ТАҲРИР КЕНГАШИ:
Файзулла Муллажонов (Таҳрир Кенгашининг раиси),
Ашур Қодиров (Таҳрир Кенгашининг раис ўринбосари),
Равшан Охунов (Таҳрир Кенгашининг масъул котиби),
Раҳмон Каримов
Абдураҳмат Боймуротов
Баҳодир Хўжаев
Михаил Перпер
БОШ МУҲАРРИР
Шавкат Назаров

БОСИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ:
«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ
АХБОРОТ ХИЗМАТИ КЎРСАТУВЧИЛАР:
ЎзА, «Туркистон-пресс» НАА, «Иқтисодиёт ахборот агентлиги», «Бухоро-пресс» АА.
Реклама ва эълонлар учун 137-23-71 телефони орқали мурожаат қилинг.
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
700000, Тошкент, Пушкин кўчаси, 59-уй.
e-mail: bankingnews@tshtt.uz

Босилган материаллар муаллифларининг нуқтаи назари таҳририятнинг нуқтаи назарига мос келмаслиги мумкин. Рекламаларнинг мазмуни учун реклама берувчиларнинг ўзлари масъулдир.
Таҳририятнинг ёзма розилиги бўлганидагина, "БА"да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилади.
Қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.
Т Материал тижорат асосида чоп этилмоқда.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 137-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.
Буюртма № Г-304
Тираж 7832 нусха.
Босишга рухсат этилди 17.01.2006 й.
Газета таҳририят ускуналарида саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топширилди 18.01.2006. й. 9.00. 1 2 3 4 6

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида
РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛДИ
2005 йил 30 ноябр
1528-сон

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
Бошқарувининг 2005 йил 10 сентябрдаги
19/5-сонли қарори билан «ТАСДИҚЛАНГАН»
№616

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МОЛИЯВИЙ АКТИВЛАРНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

(Охири. Боши 2005 йилнинг 52-сони ва 2006 йилнинг 1-3 сонларида).

Тижорат банкларида
молиявий активларнинг
бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби
тўғрисидаги Низомга
11-илова (давоми)

БАНКДА НАЗОРАТИ ВА ЭГАЛИК ҚИЛИШДАГИ ИШТИРОК УЛУШИ ҚОЛАДИГАН МОЛИЯВИЙ АКТИВЛАРНИ БЕРИШ (ПЕРЕДАЧА)

3) Агар банкнинг эгалик қилишдаги иштирокли улуши пул кўринишида сўндириш ёки берилган актив бўйича мос шарт билан опцион шаклида қабул қилинса, у ҳолда банкнинг эгалик қилишдаги улушли даражаси юқорида ўрнатилган нақд пулсиз шаклда қоплашдаги опцион йўли сингари баҳоланади.

Боғлиқ мажбуриятларнинг тан олиниши:

Агар банк активни ўзининг эгалик қилишдаги иштирокли улуши доирасида тан олишни давом эттирса, у ҳолда банк у билан боғлиқ мажбуриятни ҳам тан олади. Берилган актив ва у билан боғлиқ мажбурият шундай баҳоланадики, бунда банк ўзида сақлаб қолувчи ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳам акс эттирилган бўлиши лозим. Боғлиқ мажбуриятлар шундай баҳоланадики, берилган активнинг соф баланс қиймати ва у билан боғлиқ мажбурият:

1) агар берилган актив амортизация қиймати бўйича ҳисобга олинган бўлса, банк ўзида сақлаб қолган ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг амортизация қиймати бўлиб ҳисобланиши лозим;

2) агар берилган актив ҳақиқий қиймати бўйича ҳисобга олинган бўлса, автоном асосда (алоҳида-алоҳида) олиб борилган баҳолашдаги, банк ўзида сақлаб қолган ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ҳақиқий қийматига тенг бўлиб ҳисобланиши лозим.

Банк берилган актив бўйича пайдо бўладиган барча даромадларни эгалик қилишдаги улуши доирасида тан олишни ва боғлиқ мажбурият бўйича пайдо бўладиган барча харажатларни тан олишни давом эттиради.

Кейинчалик баҳолаш мақсадида, берилган активнинг ва у билан боғлиқ мажбуриятнинг ҳақиқий қийматидаги тан олинган ўзгаришлар алоҳида-алоҳида ҳисобга олинади ва ўзаро компенсация қилинмайди (яъни баланс ҳисоботда бир-биридан чегирган ҳолда кўрсатилмайди).

Агар банкнинг эгалик қилишдаги иштирокли улуши фақат молиявий актив қисмигагина тааллуқли бўлса, у ҳолда банк молиявий активнинг олдинги қолдиқ қийматини шундай қисмлар ўртасида, яъни бунда активни бериш санасидаги ҳар бир қисмнинг ҳақиқий қийматидан нисбатан келиб чиққан ҳолда, тан олишни давом эттирадиган ва бошқа тан олмайдиган қисмлар ўртасида тақсимлайди (мазкур Низомнинг 10-иловасига қаранг).

Тижорат банкларида
молиявий активларнинг
бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби
тўғрисидаги Низомга
12-илова

АКТИВЛАРНИ "СОТИШ УЧУН МАВЖУД" ТОИФАДАН "СЎНДИРИШ МУДДАТИГАЧА САҚЛАНАДИГАН" ТОИФАГА ЎТКАЗИШ ҲИСОБИ

Сўндириш муддати ўрнатилган актив

Банк тассарруфидаги сотишга мўлжалланган қимматли қоғозлар тоифасида таснифланган хазина векселлари билан боғлиқ ҳисобварақларида қуйидагича қолдиқлар мавжуд:

Ҳисобварақ таърифи	Ҳисобвараклаги қолдиқ	
	Дебет	Кредит
10801-"Давлат хазина векселлари" (сотишга мўлжалланган)	1.000.000	
10893-"Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича мукофот»	18,500	
10895-"Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар ҳақиқий қийматининг ўзгариши"		25,000
30907-" Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларнинг ҳақиқий қиймати ўзгариши натижасида ҳосил бўлган ўзлаштирилмаган фойда ёки зарарлар (актив-пассив)"	25,000	

Банк мазкур хазина векселини "сўндириш муддатигача сақланадиган" тоифага ўтказишга қарор қабул қилди. Мазкур қайта таснифлашни акс эттиришдан олдин "сотишга мўлжалланган" тоифадаги қимматли қоғозларнинг ҳақиқий қийматини тўғрилаш амалга оширилган бўлиши лозим. Фараз қилайлик, ушбу тўғрилаш юқорида қайд қилинган ҳисобварақларда амалга оширилган ва акс эттирилган бўлсин. У ҳолда, ўз навбатида, хазина векселининг ҳақиқий қиймати бошқа тоифага ўтказиш санасига 993.500 (1.000.000+18.500-25.000) сўмни ташкил этади.

Қайта таснифлашни акс эттириш учун қуйидагича бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 15901 -Давлат хазина векселлари (сўндириш муддатигача сақланадиган) 1.000.000

Дт 10895-" Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар ҳақиқий қийматининг ўзгариши" 25.000

Кт 10801-"Давлат хазина векселлари" (сотишга мўлжалланган) 1.000.000

Кт 10893 -" Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича мукофот" 18.500

Кт 15991-"Сўндириш муддатигача сақланадиган қимматли қоғозлар бўйича дисконт (контр-актив)" 6.500

Сўндириш муддатигача сақланадиган хазина векселининг янги амортизация қиймати 1.000.000 - 6.500 = 993.500 сўмни ташкил этади. 6.500 сўм миқдоридаги дисконт реал фоиз методини қўллаган ҳолда ушбу векселнинг қолган сўндириш муддати давомида даромадни тўғрилаш (фоизли даромадни кредитлаш) йўли билан амортизацияланиб борилади.

30907-" Сотиш учун мавжуд қимматли қоғозларнинг ҳақиқий қиймати ўзгариши натижасида ҳосил бўлган ўзлаштирилмаган фойда ёки зарарлар (актив-пассив)" ҳисобварағидаги дебет қолдиқ бекор қилинмайди. Ушбу қолдиқ сумма реал фоиз методини қўллаган ҳолда ушбу векселнинг қолган сўндириш муддати давомида даромадни тўғрилаш (фоизли даромадни дебетлаш) ҳисобига амортизацияланиб борилади.

Тижорат банкларида молиявий активларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги Низомга 13-илова

МОЛИЯВИЙ АКТИВЛАРНИНГ ҚАДРСИЗЛАНИШИ

Банклар, молиявий активларни таснифлаш ва баҳолашда Марказий банкнинг Тижорат банклари томонидан активлар сифат даражасини таснифлаш ва улар бўйича кўрилиши мумкин йўқотишларни қоплаш учун захираларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибига (рўйхат рақами 632, 1999 йил 11 феврал) белгиланган талабларга риоя этишлари шарт. Мазкур илова эса МҲХСларига мувофиқ молиявий активларнинг қадрсизланишини баҳолаш услубини умумлаштиради. Бу ҳужжатларда қўлланилган услубларнинг бир-биридан кичкина фарқи бўлса-да, мазкур иккала ҳужжатдаги асосий тамойиллар бир хил. Ушбу иккала услубга асосан баҳолангандаги зарарлар суммаси унчалик фарқ қилмаслиги лозим ва банклар катта зарар суммаларини акс эттирадилар.

МҲХСларида «қадрсизланишдан кўрилган зарар» иборасидан фойдаланилган бўлиб, у мазкур Низомга мувофиқ «кўрилиши мумкин бўлган зарарлар» иборасига ўриндош ҳисобланади.

МҲХСларига мувофиқ, қачонки молиявий актив ёки молиявий активлар гуруҳи дастлабки тан олингандан кейин рўй берган бир ва ундан ортиқ ҳодисалар натижасида уларнинг қадрсизланиши тўғрисида гувоҳлик берувчи маълумотлар мавжуд бўлса ва бу ўз навбатида ушбу молиявий актив ёки молиявий активлар гуруҳи бўйича кўзда тутилган келгуси пул оқимларига салбий таъсир кўрсатиб, зарар кўришга олиб келса ва у ишончли тарзда баҳоланган бўлса, мазкур молиявий актив ёки молиявий активлар гуруҳи қадрсизланган ҳисобланади ва бу ҳолат зарарларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Балки қадрсизланишга олиб келувчи алоҳида, ягона ҳодисаларни аниқлаш имкони йўқ бўлиши мумкин. Қадрсизланиш асосан умумий таъсир этувчи рўй берган бир қанча ҳодисалар туфайли вужудга келиш эҳтимоли катта бўлади. Келгуси ҳодисалар натижасида кўрилиши кутилаётган зарарлар тан олинмайди.

Кўрилиши мумкин бўлган зарарга олиб келадиган ҳодисаларга банк томонидан кузатилган ва мавжуд маълумотлар асосида молиявий активнинг ёки молиявий активлар гуруҳининг қадрсизланганлигини тасдиқловчи қуйидаги объектив далиллар хизмат қилади:

1) эмитент ёки мажбурият олган шахс томонидан кўрилган муҳим (существенные) молиявий қийинчиликлар;

2) шартноманинг бузилиши, мисол учун, асосий қарз ёки фоизлар бўйича тўловларнинг бажарилмаслиги ёки кечиктирилиши;

3) кредитор, иқтисодий ёки ҳуқуқий кучга эга бўлган сабаблар таъсирида, ўз фаолиятида молиявий қийинчиликларни ўтказаётган қарздорнинг қарзидан воз кечган ҳолда ён бериши мумкин, бошқа ҳар қандай ҳолатда бу кўзда тутилмаган бўлса;

4) қарздорни банкротлик ёки бошқа молиявий қайта ташкил этиш эҳтимоллари пайдо бўлганда;

5) молиявий қийинчиликлар сабабли мазкур молиявий актив бўйича фаол бозорнинг ёпилиши;

6) кузатилаётган далиллар молиявий активни дастлабки тан олиш вақтидан бошлаб молиявий активлар гуруҳи бўйича кўзда тутилган келгуси пул оқимларини қисқартириб ўлчашни кўрсатади, мазкур қисқартириш ушбу гуруҳдаги алоҳида молиявий активлар бўйича аниқ тушунтириш бера олмаса-да, шу билан бирга:

а) ушбу гуруҳ бўйича қарздорларнинг тўлов қобилиятининг ёмонлашуви (масалан, кечиктирилган тўловлар миқдорининг ёки лимити тугаган кредит карточкалар бўйича қарздорлар сонининг ўсиши ва ойлик минимал суммалар тўлаб борилиши);

б) ушбу гуруҳдаги активлар бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаслигига боғлиқ бўлган миллий ёки маҳаллий миқёсдаги иқтисодий шарт-шароитлар (масалан, қарздор жойлашган географик муҳитдаги ишсизлар сонининг ошиши, тегишли регионда гаровга олинган мулк нархининг тушиб кетиши, нефт қазиб чиқарувчи компанияларга берилган ссудалар (шунга ўхшаш активлар) бўйича нефт нархининг тушиб кетиши, ёки тармоқдаги кўнгилсиз ўзгаришлар натижасида ушбу гуруҳ бўйича қарздорларнинг қийин аҳволга тушиб қолиши).

Хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий воситаларини бошқа бемалол очиқчасига сотилишига таъсир қилувчи фаол бозорнинг ёпилиши мазкур молиявий воситаларнинг қадрсизланишидан гувоҳлик берувчи далил бўла олмайди. Хўжалик юритувчи субъект кредит қобилияти рейтингининг пасайиши, ўз-ўзидан қадрсизланиш тўғрисида маълумот берувчи далил бўлиб хизмат қила олмайди, ҳатто қадрсизланиш маълумоти сифатида у бошқа мавжуд маълумотлар билан бирга кўриб чиқилганда ҳам. Агар молиявий активнинг ҳақиқий қиймати унинг ҳақиқатдаги қийматидан ёки амортизация қийматидан кичик бўлиши, унинг қадрсизланиши тўғрисида ҳеч қандай далил бўла олмайди (мисол учун, ишончли (хавф-хатарсиз) фоиз ставкаларининг ўсиши натижасида қарз инструмент (воситалар)ларига қилинган инвестицияларнинг ҳаққоний қийматининг пасайиши).

Юқорида баён этилганлардан ташқари, улушли воситалар қилинган инвестицияларнинг қадрсизланиши тўғрисида маълумот берувчи объектив далиллар сифатида, эмитент ўз фаолиятини технологик, бозор, иқтисодий ёки ҳуқуқий шарт-шароитларда амалга оширганда кўнгилсиз (неблагоприятный) таъсир этувчи муҳим ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотлар ҳам хизмат қилиши мумкин ва бу қарз инструментларига қилинган инвестициялар қайтарилмаслиги (не будут возмещены) мумкинлигини кўрсатади. Улушли воси-

таларга қилинган инвестицияларнинг ҳақиқий қийматининг сезиларли ва давомли даражада пасайиши, яъни ҳақиқатдаги қийматидан кичик бўлиши ҳам қадрсизланиш тўғрисида маълумот берувчи объектив далиллар бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Баъзи ҳолларда, молиявий актив бўйича қадрсизланишдан кўрилган зарар суммасини баҳолаш учун талаб этиладиган, кузатиладиган маълумотлар чегаралланган ёки жорий мажбуриятларга тўлиқ мос келмаслиги мумкин. Масалан, бу қуйидаги ҳолда рўй бериши мумкин, яъни қарздор (заемщик) қийин молиявий ҳолатга тушиб қолганда ва ўхшаш қарздорлар (аналогичных заемщиков) тўғрисида жуда кам статистик маълумотларга эга бўлганда. Бундай ҳолларда, банк қадрсизланишдан кўрилган зарар суммасини баҳолаш учун ўзининг профессионал даражадаги фикрлаш хулосасини қўллаши лозим. Албатта, банк молиявий активлар группаси бўйича кузатилаётган маълумотларни жорий шарт-шароитларга мувофиқлаштириш мақсадида ўзининг профессионал даражадаги фикрлаш хулосасини қўллаши лозим. Онгли равишда кутилаётган баҳолашлардан фойдаланиш молиявий ҳисоботларни тайёрлаш жараёнининг узвий жараёни ҳисобланади ва бунда асло унинг ишончини йўқотмайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ ҚАРОРИ

2005 йил 26 ноябр N 26 А/3 Тошкент ш.

"ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МАРКАЗИЙ БАНКИ ҲУДУДИЙ БОШ БОШҚАРМАЛАРИНИНГ ҲИСОБ-КИТОБ КАССА МАРКАЗЛАРИДА ТЎЛОВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА"ГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги Қонунининг 7 ва 51-моддаларига асосан Марказий банк Бошқаруви

қарор қилади:

1. "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки ҳудудий Бош бошқармаларининг Ҳисоб-китоб касса марказларида тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисида"ги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор 2006 йил 1 январдан бошлаб кучга киритилсин.

Марказий банк
Раиси **Ф. М. МУЛЛАЖОНОВ**

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг
2005 йил "26" ноябрдаги
26-А/3-сонли қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН
№622

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ ҲУДУДИЙ БОШ БОШҚАРМАЛАРИНИНГ ҲИСОБ-КИТОБ КАССА МАРКАЗЛАРИДА ТЎЛОВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида" ва "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонунлари ҳамда Марказий банк томонидан ишлаб чиқилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, у Марказий банк ҳудудий Бош бошқармаларининг Ҳисоб-китоб касса марказларида мижозларга хизмат кўрсатиш ҳамда тўловларни амалга ошириш тартибини белгилайди.

I. Асосий тушунчалар

1. Ушбу Низом мақсадларида қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари (кейинги ўринларда - Бош бошқарма) - Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида уларга Низомда белгиланган вазифалар, шу жумладан пул-кредит сиёсатини амалга ошириш ва бошқа барча функцияларни амалга оширувчи юридик шахс мақомига эга бўлмаган таркибий тузилмаси.

Марказий банк мижозлари (кейинги ўринларда - мижозлар) - давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, уларнинг муассасалари ва ташкилотлари, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат божхона кўмитаси, шунингдек, Марказий банкка қарашли корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар.

Ҳисоб-китоб касса марказлари (кейинги ўринларда - ҲККМ) -Марказий банк ҳудудий Бош бошқармаларининг таркибий тузилмаси бўлиб, захира фондлари, айланма кассадаги пул маблағлари ва бошқа қимматликларни сақлайди, улар бўйича операцияларни

бажаради, Марказий банк мижозларига ҳисоб-китоб, касса ва қонунчиликда белгиланган бошқа банк хизматларини кўрсатади, Бош бошқарманинг ғазначилик ва молиявий-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган ички банк операцияларини амалга оширади. Тошкент шаҳар Бош бошқармаси ҲККМга Бош бошқармага тегишли операциялардан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг банк операцияларини бажариш вазифаси юклатилган.

ҲККМ раҳбарияти юқорида кўрсатилган операцияларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш ва уларни молиявий ҳисоботларда амалдаги қонунчилик талаблари асосида тўғри ва ишончли акс эттириш бўйича жавобгардир.

ҲККМ раҳбарияти - ҲККМ директори, унинг ўринбосарлари ва бош ҳисобчидан иборат бўлиб, ҲККМнинг умумий бошқарувини амалга оширадилар.

Фронт-офис - ҲККМнинг таркибий қисми бўлиб, қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда банк операцияларини амалга оширишда Марказий банк мижозлари билан бевосита мулоқотда бўлган ҳолда хизмат кўрсатувчи масъул ходимлар гуруҳи. Ушбу гуруҳга Фронт-офис бошлиғи раҳбарлик қилади. Ўз навбатида у ҲККМ бош ҳисобчисига бўйсунади.

Марказий банкнинг республика аппарати, тегишли департаментлари ва Бош бошқармаларнинг тегишли таркибий бўлинмалари молиявий-хўжалик фаолиятни амалга ошириш юзасидан фронт-офис вазифасини бажарадилар.

Бэк-офис - ҲККМнинг таркибий қисми бўлиб, Фронт-офис масъул ходимлари томонидан Марказий банк мижозларидан қабул қилинган ва/ёки Марказий банк ва ҳудудий Бош бошқармалар тегишли таркибий бўлинмалари томонидан молиявий-хўжалик фаолият бўйича тақдим қилинган ва дастлабки назоратдан ўтган пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг асл нусхаси асосида якуний банк операцияларини амалга оширувчи масъул ижрочи бухгалтерлар гуруҳи. Бэк-офис мижозлар билан бевосита мулоқотда бўлмайди. Масъул ижрочи бухгалтерлар гуруҳига Бэк-офис бошлиғи раҳбарлик қилади. Ўз навбатида у ҲККМ бош ҳисобчисига бўйсунади.

Сўнгги назорат - ҲККМ сўнгги назорат бухгалтери Бэк-офиснинг масъул ижрочи бухгалтери томонидан амалиёт куни давомида киритилган тўлов ҳужжатларининг асл нусхаларидаги маълумотларини электрон нусха тўлов ҳужжатлари маълумотлари билан ўзаро таққослаш орқали такрорий текширишдир.

Якуний назорат - ҲККМ амалиёт куни якунланганидан сўнг, эртанги кундан кечикмаган ҳолда ҳудудий Бош бошқармалар раҳбарияти қошидаги Бош аудитор томонидан ҲККМда амалга оширилган барча операциялар кунлик баланс ва шахсий ҳисобварақларда қайд этилган маълумотларни, пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг асл нусхалари ва электрон маълумотлар билан солиштириб текшириш, шунингдек Адлия вазирлигида 1998 йил 30 октябрда 516-сон билан давлат рўйхатига олинган "Банк технологиялари автоматлаштирилган тизимида ахборотларни ҳимоя қилиш ва ҲККМда ушбу қоидаларни бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида"ги Низомда белгиланган талабларни бажариш.

2. Марказий банк ва унинг мижозлари ўртасидаги муносабатлар "Банк ҳисобвараги шартномаси" асосида амалга оширилади.

Мижоз Марказий банкда очган ҳисобварақдаги мавжуд пул маблағларини мустақил тасарруф этади.

Мижознинг топшириғига биноан банк ҳисобвараги бўйича бажарилган барча операцияларнинг қонунийлигига мижознинг ўзи жавобгар ҳисобланади.

3. ҲККМларда эмиссия операциялари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 2002 йил 12 февралда тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ҳудудий Бош бошқармалари ва ҲККМларда эмиссия операцияларининг ҳисобини юритиш ва назоратини олиб бориш бўйича методик қўлланма" асосида амалга оширилади.

4. ҲККМларда чет эл валютаси бўйича операциялар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 2004 йил 2 майда тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Халқаро ҳисоб-китоблар ва банклараро операциялар бошқармаси тўғрисида Низом" асосида амалга оширилади.

II. Фронт-офис

1. Умумий қоидалар

5. Фронт-офис Марказий банкнинг мижозлари билан бевосита мулоқот олиб борувчи масъул ходимларни ўзида жамлайди. Ушбу тузилмада мижозларга банк хизмат турларининг аксарият қисми бажарилади. Фронт-офис масъул ходимлари мижозлар томонидан ҲККМда амалга оширадиган барча турдаги операциялар билан боғлиқ (мижозларнинг ҳисоб-китоб, нақд пул бериш ва қабул қилиш бўйича) ҳужжатларни ўрнатилган тартибда тўғри расмийлаштирилганини текшириш орқали ушбу операциялар устидан дастлабки назоратни амалга оширади.

6. Фронт-офисда амалга ошириладиган операцияларнинг турига қараб, бир хил фаолият турига эга мижозларнинг миллий валютадаги барча ҳисобварақлари бўлинманинг тегишли масъул ходимлари ўртасида тақсимланади. Ходимлар ўртасида тақсимлаш ва қайта тақсимлаш махсус дафтарда қайд қилинади. Ушбу дафтарда уларга тилхат билан берилган бурчак муҳри изи ҳам акс эттирилади. Мазкур дафтар ҲККМ бош ҳисобчиси ёки унинг ўринбосари томонидан юритилади.

7. Фронт-офис масъул ходимлари тегишли махсус маълумотга эга юқори савияли, маданият ва муомала соҳиблари бўлишлари, банк амалларининг ҳамма жиҳатларини, уларни амалга оширишни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини мукаммал билишлари лозим. Уларнинг касбий мувофиқлик даражасига катта талаб қўйилади ва ишга қабул қилиш вақтида тегишли суҳбатга тортиладилар.

8. Фронт-офис масъул ходими қонунчиликда ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган мижозларнинг муҳр изи ва имзо намуналари варақчалари билан таъминланган бўлиши лозим.

9. Фронт-офис мижозларга хизмат кўрсатиш ва кутиш залларида барча қулайликлар, зарур техник жиҳозлар ва мебеллар билан жиҳозланиши, хусусан мижозлар учун банк фаолиятида юз берган энг янги маълумотлар (меъёрий ҳужжатлар, газета ва журналлар), янги қонунчилик ҳужжатлари, мижозларга таалуқли бўлган барча хабарлар, эълонлар ва мижозларга хизмат кўрсатиш жадвали билан таъминланиши лозим.

Марказий банк мижозларига хизмат кўрсатиш жадвали мижозлар билан келишилган ҳолда бош ҳисобчи томонидан ўрнатилган тартибда тузилиб, расмийлаштирилиши ва ҲККМ директори томонидан тасдиқланиши лозим.

10. Фронт-офис масъул ходимлари қуйидаги вазифаларни бажаради:

а) мижозларга бирламчи банк хизматларини кўрсатиш;

б) банк операцияларини амалга ошириш қоидалари юзасидан мижозларга тушунтиришлар бериш;

в) мижозларга банк ҳисобвараги хизмат кўрсатиш шартномасини тақдим этиш ва улар билан банк ҳисобвараги хизмат кўрсатиш шартномасини тузишда иштирок этиш;

г) мижозларга қонунчиликда белгиланган банк ҳисобварақлари очиш бўйича бош ҳисобчига тааллуқли бўлган вазифалардан бошқа барча ишларни амалга ошириш;

д) ҲККМ мижозларидан пул ҳисоб-китоб ҳужжатларнинг асл нусхаларини ва почта алоқаси орқали мижоз номига келиб тушган пул ҳисоб-китоб ҳужжатларни қабул қилиш;

е) мижозларнинг ҲККМда амалга ошириладиган операцияларини Марказий банк меъёрий ҳужжатлари талаблари доирасида дастлабки назорат қилиш;

ж) мижозларга маълумотномалар ва ҲККМ орқали операцияларни амалга оширилганлигини тасдиқловчи, шунингдек аниқланган хато ва камчиликлар натижасида операция бажарилмасдан мижозга қайтарилган ҳамда бошқа ахборот ҳужжатларини бериш;

з) мижозларнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлари ҳамда қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа тўловлар учун нақд пулга бўлган эҳтиёжлари бўйича касса сўровномаларини, нақд пул чекларини, конвертацияга сўровномаларни қабул қилиш;

и) Фронт-офисда амалга оширилган текшириш, таҳлил қилиш ишлари натижаси бўйича ҲККМ бош ҳисобчисига иловага мувофиқ ахборот тақдим этиш.

11. Фронт-офис масъул ходимлари мижозлари тўғрисидаги энг зарур маълумотларни қайд этиш дафтарини юритишлари лозим. Дафтарда мижознинг номи, манзили, раҳбарияти, телефон рақамлари, фаолият турлари қайд қилинади.

2. Фронт-офис томонидан мижозларнинг пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини қабул қилиш ва расмийлаштириш тартиби

12. Фронт-офис масъул ходими ҲККМ мижозларидан пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини қабул қилишда Адлия вазирлигида 2002 йил 15 апрелда 1122- сон билан давлат рўйхатига олинган "Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида"ги Низомга мувофиқ мазкур тўлов ҳужжатларида қуйидаги реквизитларнинг мавжудлигини текшириши шарт:

а) ҳужжатнинг рақами;

б) ҳужжат ёзиб берилган санаси "КК.ОО.ЙЙЙЙ" шакли бўйича, бунда "КК" - кун, "00" - ой, "ЙЙЙЙ" - йил;

в) тўловчининг номи;

г) тўловчининг ҳисобварақ рақами;

д) солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР) (пул чекидан ташқари);

е) тўловчи банкнинг номи;

ж) тўловчи банкнинг коди;

з) олувчининг номи;

и) олувчининг ҳисобварақ рақами; к) олувчи банкнинг номи; л) олувчи банкнинг коди; м) тўловнинг суммаси рақам ва ёзувда; н) тўловнинг мақсади (чекларда кўрсатилмайди).

Аккредитивга ариза қўшимча равишда қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

а) аккредитивнинг амал қилиш муддати;

б) аккредитив очилаётган шартнома рақами ва санаси;

в) буюртма рақами;

г) буюртма санаси;

д) етказиб берилаётган товар, бажарилган иш ёки кўрсатилган хизматнинг номи;

е) аккредитив бўйича тўловларни амалга оширишда асос бўлган ҳужжатнинг тури;

ж) қўшимча шартлар.

13. Фронт-офис масъул ходими томонидан мижозлардан пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини қабул қилишда уларнинг белгиланган шаклдаги бланкда ёзилиб тўғри расмийлаштирилганини, ушбу пул ҳисоб-китоб ҳужжатларида бўяш, чизиш ва тузатишга йўл қўйилмаганлигини, юқорида келтирилган барча реквизитлар тўғри тўлдирилганлигини, шу жумладан, ҳисобварақни тасарруф этувчиларнинг имзолари ва муҳр изи тақдим этилган намуналарга мос келишига ишонч ҳосил қилиши лозим.

Юқоридаги назоратнинг амалга оширилишини тасдиқлаш учун масъул ходим тўлов ҳужжатини ва унинг нусхаларини имзолашдан олдин солиштириб, ўзаро бир хиллигига ишонч ҳосил қилиши лозим. Шундан сўнггина, ижро этиш санаси кўрсатилган ҳолда масъул ходим имзоси билан тасдиқланган ва унга бириктирилган ҲККМ штампи қўйилган ҳужжатнинг охирги нусхаси мижозга қайтарилади. Ушбу нусха ҳужжатлар ижро учун қабул қилинганини тасдиқловчи тилхат вазифасини бажаради.

14. Фронт-офис масъул ходими нақд пул чекларини ижрога қабул қилишда, чекнинг зарурий реквизитларини тўғри тўлдирилганлигини текширувдан ўтказади.

Бунда масъул ходим нақд пул чекининг санасини, чекни топширган хўжалик субъектининг номини ва ҳисобрақамини, олинадиган маблағнинг рақам ва сўз билан ёзилган суммасини текширади, чекдаги имзолар ва муҳр изини ўзида мавжуд имзо намуналари билан солиштиради. Ҳисобварақ эгаси нақд пул чекларининг орқа томонида харажатларнинг мақсадини кўрсатиши шарт. Нақд пул чеклари орқасидаги тўлов мақсади тўғрисида қайд этилган маълумотлар чек берувчининг имзолари билан тасдиқланади ва пул олувчининг паспорт ёки унинг ўрнини босувчи бошқа ҳужжат маълумотлари кўрсатилади. Бу маълумотлар олувчиларнинг ўзлари томонидан ёзилиши мумкин.

"Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг Касса ижроси тўғрисида"ги Йўриқнома (рўйхат рақами 1009, 2001 йил 19 феврал) га мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Фавқулодда ҳолатлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Давлат чегарасини қўриқлаш қўмитаси ва уларга қарашли муассасаларнинг тўлов топшириқномалари ва чеклари қабул қилиниши учун уларда тўловлар мақсади кўрсатилиши талаб қилинмайди.

15. Нақд пул чеки бўйича маблағ чекни кўрсатган шахсга тўланади. Чек бўйича пул олиш ҳуқуқи бошқа одамга топширилиши мумкин эмас. Иккинчи имзо ҳуқуқи билан чекни имзолаган ташкилот бош бухгалтери ёки бош бухгалтер вазифасини бажарувчи ходим номига ёзилган чек бўйича пул тўланишига йўл қўйилмайди. Фақат ҳарбий қисмлар, ҳарбий ташкилотлар, марказлаштирилган бухгалтерия хизматларидан фойдаланмайдиган ўз-ўзини бошқариш органларининг, шунингдек пул олишига рухсат этиладиган бошқа шахс штатида бўлмаган ташкилотлар ҳисобварақларига доир чеклар бундан мустасно. Бу ҳолат ҳисобварақ эгаси имзолар намунаси қўйилган варақчада қайд этилган ва тегишли ёзув билан (иккинчи имзо намунасидан кейинга сатрда) тасдиқланган бўлиши лозим.

16. ҲККМ кассасига нақд пул қўйиш тўғрисида эълонлар ҳамда нақд пул ва ҳисоб-китоб чеклари сиёҳли ёки шарикли ручка билан қўлда тўлдирилган бўлиши шарт. Ҳисобварақ эгасининг номи, унинг ҳисобвараги ва банк номи чекларда ҳамда эълонларда бурчак муҳрлар билан кўрсатилиши мумкин. ҲККМда бериладиган нақд пул ҳужжатларида сўз билан ёзиладиган сумма сатрнинг бошидан катта ҳарф билан бошланиши шарт. "Сумма рақам билан" ҳамда "Сумма ёзув билан" реквизитларидаги суммадан олдин ва кейин қолган бўш жойларга икки параллел чизиқ тортиб қўйилади.

17. Масъул ходим мазкур Низомнинг 12-16-бандларига мувофиқ қабул қилинган тўлов ҳужжатларни, шу

жумладан, нақд пул чекларни белгиланган тартибда расмийлаштириб тўлдирилганлигини текшириб чиққандан сўнг ушбу ҳужжатларга имзо қўйиб банк ички ҳужжат айланиш тартибига асосан Бэк- офисга юборади. Чекнинг талонини мижозга қайтаради.

18. Агар масъул ходим томонидан мижоз тақдим қилган пул ҳисоб-китоб ҳужжатларида мазкур Низомнинг 12-16-бандларидаги талабларга зид камчилик ва нуқсонлар аниқланса, тўлов ҳужжатлари мижозга ижрога қабул қилинмасдан қайтарилиши лозим. Суммаси, мижозлар номи ва уларнинг ҳисобварақлари рақами ўзгартирилган тўлов ҳужжатлари, ҳатто келишилган тартибда тузатиш киритилган бўлса ҳам, Фронт-офис масъул ходими томонидан ижро учун қабул қилинмайди.

19. Фронт-офис масъул ходимлари мижозлар томонидан тақдим этилган пул ҳисоб-китоб ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки меъёрий ҳужжатларига мувофиқ расмийлаштирилганлигини назорат қиладилар.

3. Марказий банкнинг молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ операцияларни амалга ошириш ва расмийлаштириш тартиби

20. Марказий банкнинг Молия департаменти, Бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботи ва Давлат бюджетининг касса ижроси департаменти Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қонунчиликда белгиланган вазифаларини амалга ошириш бўйича, хусусан Марказий банк ва унинг Бош бошқармалари асосий воситалари, номоддий активлари, кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларининг омбордаги ва эксплуатациядаги ҳаракати бўйича, капитал қўйилмалар ва таъмирлаш бўйича, Марказий банк ва Бош бошқарма ходимларига иш ҳақи ва хизмат сафари маблағларини ҳисобланиши, берилиши бўйича операцияларни амалга ошириш учун бирламчи ҳужжатлар (шартномалар, контрактлар, буйруқлар ва фармойишларни) қабул қилиш ва расмийлаштириш орқали Фронт-офис вазифасини бажарадилар ҳамда ушбу бирламчи ҳужжатларни Бэк-офисга бевосита тақдим этадилар.

21. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Бош бошқармаларнинг тегишли таркибий бўлинмалари бухгалтерияга оид молиявий операцияларни ўрнатилган тартибда тасдиқланиб амалга киритилган меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширадилар. ҲККМга тақдим қилинган ҳар бир молиявий ҳужжат ушбу операцияларни амалга оширувчи таркибий бўлинмага раҳбарлик қилувчи Марказий банк раиси ўринбосари, Ҳудудий Бош бошқарма бошлиғи ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланган, мазкур операцияларни амалга оширилиши тўғрисидаги Хизмат фармойиши илова қилинган тақдирда ижрога қабул қилинади. Хизмат фармойиши икки нусхада тақдим этилади.

22. Ушбу тўлов ҳужжатларининг ва улар асосида амалга ошириладиган амалларнинг қонунийлигига Хизмат фармойишига имзо чеккан Марказий банк мансабдор шахслари жавоб беради.

III. Бэк-офис

1. Умумий қоидалар

23. Бэк-офис масъул ижрочи бухгалтерлари ушбу Низомнинг 1-бандига мувофиқ Марказий банк мижозлари билан бевосита мулоқотда бўлмайди. Бэк-офисда амалга ошириладиган операцияларнинг турига қараб, бир хил фаолият турига эга бўлган мижозлар ва уларнинг миллий валютадаги барча ҳисобварақлари тегишли масъул ижрочи бухгалтерларга тўғри тақсимланиши лозим. Бу ҳолат ҳисобварақларни масъул ижрочи бухгалтерлар ўртасида тақсимлаш ва қайта тақсимлаш ҳисоби юритиладиган махсус дафтарда қайд қилинади ва ўрнатилган тартибда расмийлаштирилади. Ушбу дафтарда уларга тилхат билан берилган бурчак муҳри изи ҳам акс эттирилади. Мазкур дафтар ҲККМ бош ҳисобчиси ёки унинг ўринбосари томонидан юритилади.

24. Бэк-офис масъул ижрочи бухгалтерлари юқори савияли, банк бухгалтерия амалларининг ҳамма жиҳатларини мукаммал билишлари лозим, шунингдек уларнинг касбий мувофиқлиги етарли даражада бўлиши талаб этилади.

25. Бэк-офис масъул ижрочи бухгалтерлари ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган Фронт-офис масъул ходимларининг имзолари ва уларга бириктирилган бурчак муҳр изи намуналари билан таъминланган бўлиши лозим.

26. Бэк-офис Марказий банк мижозларининг операцияларини амалга ошириш юзасидан қуйидаги вазифаларни бажаради:

а) Фронт-офисда дастлабки назоратдан ўтказилган тўлов ҳужжатларни қабул қилиш ва улар асосида ҲККМ автоматлаштирилган электрон тўлов тизимига тўлов ҳужжатларини киритиш;

б) киритилган электрон тўлов ҳужжатлари билан ушбу операцияларни амалга ошириш учун асос бўлган пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг асл (биринчи) нусхаси билан солиштириш орқали жорий назоратни амалга ошириш;

в) мижоз ҳисобварақларининг кредит айланмалари бўйича келиб тушган электрон тўлов ҳужжатларига асосан ўз вақтида операцияларни амалга ошириш;

г) кун охирида барча ҳисоб-китоб операцияларни тугатиб, шу куннинг (END) файли олингандан кейин шахсий ҳисобварақлари "Дебет-Кредит" айланмалари маълумотларини барча ўтказилган пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг асл нусхалари ва электрон тўлов ҳужжатлари билан бирма-бир солиштириш;

д) Бэк-офисда амалга оширилган барча операциялар бўйича ҳисоботлар (шу жумладан, мижоз ҳисобварақларидан кўчирмалар ҳамда ушбу ҳисобварақлар кредити бўйича операцияларни амалга оширишга асос бўлган электрон тўлов ҳужжатлари)ни чоп этиш, текшириш, расмийлаштириш (имзолаш ва бурчак муҳрини қўйиш) ва Фронт-офисга тақдим этиш.

2. Бэк-офис томонидан мижозларнинг пул ҳисоб-китоб ҳужжатларини ўтказиш тартиби

27. Бэк-офис масъул ижрочи бухгалтери банк ички ҳужжат айланиш тартибига асосан Фронт-офисдан келиб тушган пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг асл нусхасини қабул қилгандан кейин, ушбу тўлов ҳужжатларида мазкур Низомнинг 12, 14-бандида келтирилган реквизитларнинг мавжудлигини ҳамда улардаги имзолар ва муҳр изини ўзларида мавжуд Фронт- офис масъул ходимларининг ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган имзолари ва муҳр изи намуналари билан солиштиради.

28. Фронт-офис масъул ходимидан келиб тушган пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг асл нусхаларида хато ва камчиликлар аниқланганда, Бэк- офиснинг масъул ижрочи бухгалтери тўлов ҳужжатининг асл нусхаларига имзо чекмасдан ҳамда дастурга киритмасдан уларнинг хато ва камчиликларини кўрсатган ҳолда Фронт-офисга ижросиз қайтаради.

29. Бэк-офис масъул ижрочи бухгалтери пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг асл нусхаларига асосан маълумотларни дастурга киритади ва тўлов ҳужжатларини электрон тўлов тизими орқали ўтказилиши бўйича сўнгги назорат бухгалтерига маъқуллаш учун жўнатади.

30. Бэк-офис масъул ижрочи бухгалтери мазкур Низомнинг 17-бандига мувофиқ банк ички ҳужжат айланиш тартибига асосан келиб тушган нақд пул чекини ўрнатилган тартибда текшириб, унга имзосини қўяди ва мазкур чек бўйича касса чиқим ордерини дастурга киритган ҳолда касса ишлари бўйича сўнгги назорат бухгалтерига маъқуллаш учун жўнатади.

(Давоми бор).

2006 йил 17 январдан 23 январгача бўлган даврда АҚШ долларининг миллий валюталарга нисбатан курсидаги

1 АҚШ доллари

Россия Федерацияси
17.01.2006 й.да - 28,30 росс. рубли
18.01.2006 й.да - 28,27 росс. рубли
19.01.2006 й.да - 28,30 росс. рубли
20.01.2006 й.да - 28,29 росс. рубли
21.01.2006 й.да - 28,29 росс. рубли

Украина
17.01.2006 й.да - 5,0500 гривна
18.01.2006 й.да - 5,0500 гривна
19.01.2006 й.да - 5,0500 гривна
20.01.2006 й.да - 5,0500 гривна

Беларус Республикаси
17.01.2006 й.да - 2153,00 бел. рубли
18.01.2006 й.да - 2153,00 бел. рубли
19.01.2006 й.да - 2152,50 бел. рубли
23.01.2006 й.да - 2152,50 бел. рубли

Эстония
17.01.2006 й.да - 12,9227 крона
18.01.2006 й.да - 12,9131 крона
19.01.2006 й.да - 12,9505 крона
23.01.2006 й.да - 12,7672 крона

Латвия
17.01.2006 й.да - 0,5745 лат
18.01.2006 й.да - 0,5742 лат
19.01.2006 й.да - 0,5759 лат
23.01.2006 й.да - 0,5681 лат

Литва
17.01.2006 й.да - 2,8513 лит
18.01.2006 й.да - 2,8499 лит
19.01.2006 й.да - 2,8578 лит
23.01.2006 й.да - 2,8197 лит

Қирғизистон Республикаси
21.01.2006 й.да - 41,4568 сом

Тожикистон Республикаси
17.01.2006 й.да - 3,2042 сомоний
18.01.2006 й.да - 3,2043 сомоний
19.01.2006 й.да - 3,2043 сомоний
20.01.2006 й.да - 3,2049 сомоний

Молдова
17.01.2006 й.да - 12,8393 лей
18.01.2006 й.да - 12,8438 лей
19.01.2006 й.да - 12,8410 лей
20.01-22.01.2006 й.да - 12,8467 лей
21.01.2006 й.да - 12,8498 лей
23.01.2006 й.да - 12,8545 лей

Туркманистон
18.11.2004 й.да - 5200,00 манат

Қозоғистон Республикаси
17.01.2006 й.да - 133,20 тенге
18.01.2006 й.да - 133,03 тенге
19.01.2006 й.да - 133,00 тенге
23.01.2006 й.да - 132,66 тенге

Швейцария
17.01.2006 й.да - 1,2798 швейц. франки
18.01.2006 й.да - 1,2772 швейц. франки
19.01.2006 й.да - 1,2859 швейц. франки
23.01.2006 й.да - 1,2650 швейц. франки

Япония
17.01.2006 й.да - 115,01 япон иенаси
18.01.2006 й.да - 115,08 япон иенаси
19.01.2006 й.да - 115,26 япон иенаси
23.01.2006 й.да - 114,64 япон иенаси

1 Англия фунт стерлинги
Буюк Британия
17.01.2006 й.да - 1,7625 АҚШ долл.
18.01.2006 й.да - 1,7652 АҚШ долл.
19.01.2006 й.да - 1,7562 АҚШ долл.
23.01.2006 й.да - 1,7810 АҚШ долл.

1 евро
Евроминтақа
17.01.2006 й.да - 1,2105 АҚШ долл.
18.01.2006 й.да - 1,2113 АҚШ долл.
19.01.2006 й.да - 1,2079 АҚШ долл.
23.01.2006 й.да - 1,2243 АҚШ долл.

** Долларнинг мамлакатлар миллий валюталарига нисбатан курси марказий (миллий) банкларнинг расмий хабарлари ва «REUTERS» тизими маълумотлари асосида берилди.*

ЖАҲОН БАНК БИЗНЕСИНИНГ

Янги йил бошида жаҳон банк тизимининг асосий ривожланиш тамойиллари ҳақидаги баъзи қоидалар ва қарашларга якун ясаш, шунингдек, жаҳон иқтисодиётининг ушбу ғоят муҳим сегменти ҳаракатланиш истиқболлари ва йўналишларини аниқлашга уриниб кўриш ўринли бўлади.

Яқин ўтмишда Ғарб мамлакатлари иқтисодиётида тижорат банкларининг мавқеи алоҳида эди. Давлат идоралари ликвидлик соҳасида танглик юз берган ёки банкротлик хавфи туғилган ҳолларда молия-кредит тизимининг барқарорлигини кафолатлаш мақсадида ҳар доим тижорат банкларини қўллаб-қувватлаб келди. Айни вақтда молиявий қонунлар тижорат банклари нима ишни қандай бажаришлари мумкинлигини аниқ белгилаб қўйиш йўли билан уларнинг фаолият соҳасини чеклаб келди ва айни вақтда банкларни рақобатчилар пайдо бўлишидан асраб турди. Бунда банклар анъанага кўра, омонатчилар билан қарз олувчилар ўртасида воситачи ролини ўйнаб келди ва тўлов тизими ишлаб туришини таъминлади, янги усуллар ва технологияларни қўллаш устида нисбатан кам бош қотирди.

Бироқ, XX аср охири – XXI аср бошлари банк ишида чуқур ҳамда драматик ўзгаришлар, банкларни ташкил этиш, бошқариш усулларида, корпоратив ва якка мижозларга хизмат кўрсатиш шаклларида кўпдан-кўп янгиликлар юз берган давр бўлди. Банк фаолиятининг асрлар мобайнида таркиб топиб келган усул ва услублари мураккаблашиб бормоқда, янги жиҳатлар касб этмоқда. Айни вақтда жаҳон амалиётида ўхшаши йўқ мутлақо янги, оригинал операция ва хизматлар турлари пайдо бўлмоқда. Ушбу мақолада кўпчилик мамлакатлардаги замонавий банк бизнесининг энг муҳим жиҳатлари устида тўхталиб ўтамиз.

Молиявий глобаллашув

Банк соҳасидаги ўзгаришларнинг энг муҳим жиҳатларидан бири байналмилаллашув ёки "глобаллашув" номини олди. Гап, бир томондан, банкларнинг фаолият соҳаси миллий чегаралардан ташқарида кенгайиб, хорижий филиаллар тармоғи ташкил этилишидан, иккинчи томондан, ушбу ҳудуддаги чет эл банклари сони кўпайиб боришидан иборат жўшқин жараён ҳақида бормоқда. Молия бозорлари байналмилаллашуви натижасида банклар қўшимча (ташқи ва ички) хатарларга дуч келмоқда. Бу хатарлар фақат миллий бозорларда эмас, балки жаҳон бозорларида ҳам конъюнктура ўзгариши билан боғлиқ. Натижада, банк портфелларини бошқариш янада мураккаблашиб бормоқда.

Ғарб мамлакатларида фоиз ставкалари даражасига қўйилган чекловларнинг бекор қилиниши банкларга жалб қилинаётган ресурслар ҳажми анча ошишига имкон берди. Сўнгра, бу ресурслар инвестициялашга сарфланди. Банк активларининг ўсиши у оладиган фойданинг ўсишига тенг деб ҳисобланар эди. Бироқ, берилган кредитлар ҳажмининг чексиз даражада ўсиши фойданинг кўпайишига ёрдам бермасдан, аксинча; уни камайтириши маълум бўлиб қолди. Американинг Solomon Brothers инвестиция банки ўтказган тадқиқот натижаларига кўра, "банк активлари сифати ёмонлашишини олдиндан айтиб берадиган энг яхши кўрсаткич активларнинг ўсиш суръатидир" ("The Economist", May, 2, 2002.).

Шундай қилиб, 1980-йилларда молиявий қонунлар эркинлаштирилганидан кейин бошланган чексиз ўсишга интилиш матлуб натижаларни бермади, олинган тажриба эса кўпгина банкларни ўз стратегиясини ўзгартириб, эътиборни фаолият самарадорлигини оширишга қаратишга мажбур қилди.

- банкларнинг ҳудудларни экспансия қилиши (янги муассасалар очиш, филиаллар тармоғини кенгайтириш, холдинглар ташкил қилиш ва ҳоказо);
- молиявий хизматлар учун фоиз ставкалари ва тарифларини тартибга солиш (актив ва пассив операциялар бўйича энг юқори ставкаларни бекор қилиш);
- янги молиявий воситалар ва янги хизмат кўрсатиш турларини (масалан, жорий ҳисобварақ (сўраб олингунча сақланадиган ҳисобварақ) билан ҳисобварақ эгалари фоизлар олишини назарда тутадиган муддатли ҳисобварақ хусусиятларини ўзида уйғунлаштирадиган "дурагай" ҳисобварақлар очиш) амалиётга жорий этиш;
- тижорат банклари учун корпоратив қимматли қоғозлар билан операциялар бажаришни тақиқлаб қўйиш (бу тақиқ хусусан, АҚШда бекор қилинган) каби чекловлар ва тақиқларни юмшатишга ёки батамом бекор қилишга қаратилган эди.

Турли тарихий босқичларда ушбу қонунчилик чекловларининг қабул қилинишидан мақсад банк ишини ҳаддан ташқари катта хатардан, вайронлик келтирувчи рақобатдан, банкрот бўлиш ҳоллари тоғ кўчкини каби авж олиши хавфидан холи қилиш эди. Ушбу банкротлик ҳоллари банк мижозлари ва бутун иқтисодиётни жиддий йўқотишларга олиб келиши мумкин эди. Бироқ, кўпгина сабабларнинг ўзига хос уйғунлашуви: нобанк молиявий воситачилар томонидан рақобатнинг

Банк бозорини бошқарувдан холи қилиш

Банк операциялари ва хизматлари бозорининг иштирокчилари ўз мамлакатлари ҳукуматларига таъсир ўтказдилар ва 1960-йиллар охиридан бошлаб дунёда иқтисодиёти ривожланган мамлакатларнинг кўпчилигини қамраб олган қонунчилик ислоҳотлари жараёни бошланди. Ислоҳотлар молиявий фаолият соҳасидаги чекловлар ва тақиқларни, чунончи:

Дунёнинг энг йирик банклари

"The Banker" ҳар йили ўз сармоясининг ҳажми жиҳатидан дунёдаги 1000 та энг йирик банк рўйхатини эълон қилади. "The Banker" журнали томонидан ҳар йили эълон қилиб бориладиган банклар рейтинги дунё бўйича энг обрўли рейтинглардан бири ҳисобланади.

Ўз сармоясининг ҳажми бўйича биринчи ўринни 54,49 млрд. АҚШ долларига эга бўлган "Citigroup" (АҚШ), иккинчи ўринни 50,5 млрд. АҚШ долларига эга бўлган "Mizuho Financial Group" (Япония), учинчи ўринни 40,66 млрд. АҚШ долларига эга бўлган "Bank of America Corp." (АҚШ) эгаллади. 25 та энг йирик банк орасида яна АҚШ билан Японияниинг 4 тадан банки, Буюк Британия ва Хитойнинг 3 тадан банки ҳамда Голландия, Швейцария, Германия ва Франциянинг 2 тадан банки бор.

"The Banker" маълумотларига кўра дунёдаги 25 та энг йирик банкнинг умумий сармояси 585,4 млрд. АҚШ долларига тенг бўлиб, бу дунёдаги 1000 та энг йирик банк умумий сармоясининг 33,1 фоизини ташкил қилади. Бозордаги капиталлашиш ҳажмлари бўйича ҳам ("Bloomberg" ахборот агентлиги маълумотлари) биринчи ўринда 255,19 млрд. АҚШ доллари билан "Citigroup" туради. У билан иккинчи ўринда турган Британиянинг "HSBC Holdings" банки ўртасидаги фарқ деярли 143 млрд. АҚШ долларини ташкил қилади. Активларнинг энг катта ҳажми Японияниинг "Mizuho Financial Group" банкига тегишли бўлиб, у 1,259 трлн. АҚШ долларини ташкил қилади. "Citigroup" (902,2 млрд. АҚШ доллари) иккинчи ўринни, "Deutsche Bank" (874,7 млрд. АҚШ доллари) учинчи ўринни эгаллаб турибди. Рўйхатда ЕИ (271 банк) ва АҚШ (211) банклари устунлик қилмоқда.

Ўз навбатида Американинг обрўли журнали "Forbes" жаҳон иқтисодиётининг энг йирик компаниялари рўйхатини эълон қилади. Бу рейтинг шуниси билан фарқ қиладики, унда битта эмас, бир йўла тўртта кўрсаткич – даромад, фойда, активлар миқдори ва капиталлаштириш ҳисобга олинади. Рўйхатда 51 мамлакатдан ва иқтисодиётнинг 26 секторидан 2000 та фирма бор. Дунёнинг 100 та энг йирик компанияси рўйхатида 27 та банк бор. Дунёдаги ўнта энг йирик компанияга учта банк: "Citigroup" (1-ўрин), "Bank of America" (4-ўрин), "HSBC Group" (5-ўрин) кирган.

ЯПОНИЯ БАНКИ – ДУНЁ БЎЙИЧА ЭНГ ЙИРИК БАНК

Токиода дунёдаги энг йирик банк – Tokyo-Mitsubishi UFJ тантанали равишда ўз ишини бошлади. Банк 2006 йил 1 январда Mitsubishi Tokyo ва UFJ Holdings молия гуруҳларини қўшиб юбориш йўли билан ташкил этилди. Янги пайдо бўлган банкнинг активлари 190 трлн. иенага яқин бўлиб, бу тахминан 1 трлн. 600 млрд. АҚШ доллари демакдир. Банк пресс-релизида кўрсатилганидек, бу миқдор Американинг Citigroup банки активларидан 50 млрд. АҚШ долларига кўпдир.

Японияниинг иккита молия ташкилоти бирлашиш ҳақида ўтган йил 1 октябридаёқ расман баёнот берган эди. Бироқ, ягона компьютер тизимини яратиш ҳамда янги банкоматларни қайта дастурлаш зарурлиги қўшма банк ташкил этишни кечиктирди.

Ҳозирнинг ўзидаёқ банкда молия йилининг охирига бориб, яъни 31 мартгача гуруҳнинг биргаликдаги фойдаси 520 млрд. иенани (4,4 млрд. АҚШ долларини) ташкил этиши кутилаётганлигини айтишди. "Мегабанк" Японияидаги 3 та энг йирик банкнинг биринчиси бўлади, иккинчи ва учинчи ўринларни Mizuho Bank ва Sumitomo Mitsui Banking Corp. эгаллаган.

Таҳлилчиларнинг айтишича, банк Хитойда фаолроқ ишлаш ниятида ўз сармоясини кўпайтирди. Банк Хитойдаги тўртта энг йирик давлат тижорат банкларидан бири бўлмиш Bank of Chinadan улуш сотиб олишини ҳамда бу мамлакатда ўз бизнесини янада кенгайтиришини эълон қилди. Ҳозирги вақтда Tokyo-Mitsubishi UFJ Хитойда бешта филиалга эга бўлиб, у ерда ишлаётган Япония компанияларидан тахминан 50 фоизининг ҳисобварақларига хизмат кўрсатмоқда.

ТОҚҚА ЧИҚМАСАНГ...

Германиянинг энг йирик Дойче банки ўз мижозлари тармоғини мусулмонлар ҳисобига кенгайтиришга қарор қилди. Банк ислом динидаги ўз мижозлари учун бундан буён шариат ақидаларига зид бўлмаган хизматларни кўрсатади.

Маълумки, мўмин-мусулмонларнинг банкдаги ўз омонатлари учун фоизлар олишига, алкогол, тамаки билан савдо операцияларини амалга ошириш ёки қимор ўйинлари ҳисобига бойлик орттиришига рухсат берилмайди. Яъни мусулмонларга ишламасдан, ҳеч қандай куч-ғайрат сарфламасдан, энг муҳими – таваккал қилмасдан фойда олиш тақиқланган.

Немис банкчилари ушбу тақиқни четлаб ўтишнинг оддий ва ўз назарларида самарали усулини топдилар. Энди мусулмонлар иштирокида амалга ошириладиган ҳамма банк операциялари пулдан маҳрум бўлиш хатари билан боғлиқ бўлади.

Чет эл матбуоти материаллари асосида тайёрланди.